

O'ZBEKISTON adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MARIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

1956-yil 4-yanvardan chiqarilgan

2023-yil 9-iyun №22 (4733)



Сайлов тизими ва тамойиллари: ҚОНУНЧИЛИК ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Ўзбекистонда сиёсий тизимни, хусусан, унинг муҳим йўналиши бўлган демократик сайлов тизимини шакллантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Маълумки, демократик, эркин ва адолатли сайловларни ўтказишнинг мезон ва стандартлари БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳужжатларида ўз аксини топган.

Ҳозирги давр конституциявий ҳуқуқида мутлак ва малакали кўпчилик овозига асосланган мажоритар сайлов тизимлари қўлланади. Масалан, АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Мексика ва бошқа яна бир қанча давлатларда овозларнинг умумий сонидан мутлак кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Номзодлардан биронтаси ҳам етарлича овоз ололмаса, энг кўп овоз олган иккита номзод кейинги босқичга ўтади. Қайси номзод иккинчи турда кўпроқ овоз олса, ўша сайланади. Бунда партиялар ҳамда аъзоларининг ички имкониятлари кўпроқ ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Пропорционал тизимда эса, партиялар ўз дастури, амалдаги фаолияти билан одамларда ишончли, самимий тасаввур қолдириши лозим.

Пропорционал сайлов тизимида катта-катта сайлов округлари тузилиб, ҳар бир партия ўз вакилларининг рўйхатини илгари суради. Сайловчилар эса тегишли партиялар ёки оммавий ҳаракатлар томонидан кўрсатилган вакиллар рўйхати учун овоз беради. Овоз бериш натижаларини аниқлаш учун сайлов мезони, яъни бир депутатлик мандатини олиш учун зарур бўлган овозлар миқдори (ёки квота) ўрнатилган. Бун-

дай тизимда сайловчи амалда номзод учун эмас, балки сиёсий партия учун овоз беради. Сайловчилар овози белгиланган меъёр доирасида ва мутаносиб равишда депутатлар мандатлари сонини юзага келтиради. Бу ўринлар партия раҳбар органлари томонидан партиявий рўйхатнинг бош қисмидан жой олган номзодларга берилади. Бундай пропорционал сайлов тизими Исроил, Венгрия, Австрия, Дания, Испания, Польша каби давлатларда мавжуд.

Сайлов кодексида демократик сайловларни амалга оширишнинг асосий принциплари – умумийлиги, тенглиги ҳамда тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли, сайловда қатнашишнинг ихтиёрлиги, уни ўтказишнинг очик ва ошқоралиги ўз ифодасини топади. Сайлов ҳуқуқининг умумийлиги халқаро ҳужжатларда мустақамланган асосий принципларга кирди. Бу қоида Ўзбекистон Конституцияси ҳамда Сайлов кодексининг асосий принципларидан бири сифатида эътироф этилган.

Тенг сайлов ҳуқуқи принципага кўра, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси бир овозга эга. Сайловда ҳеч қандай ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ҳамда мулкий мавқеи, ирқий ва мил-

лий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулоти турига қараб устуворликка эга бўлмайд.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципага кўра, фуқаролар сайловда ўз хоҳиш-иродасини бевосита ифода этади. Овоз бериш жараёнида сайловчилар шахсий қараш ва фикрларидан келиб чиқиб, ўз танловини амалга оширади. Бунда агар фуқаро сайлов вақтида хорижа бўлса, у Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларидаги ваколатхоналари ҳузурда тузиладиган сайлов участкасида овоз бериши мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида мундтаидан олдин овоз бериш қоидаси кўзда тутилган. Сайлов куни касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра, ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи мундтаидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Сайловчи солиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра, сайлов участкасига кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этиши мумкин. Сайловда ихтиёрли иштирок этиш принципи фуқароларнинг ушбу сиёсий тadbирда ўз хоҳишига кўра, ҳеч қандай мажбурловсиз қатнашишини аниқлатади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат этишга йўл қўйилмайди.

Республикамизда яширин овоз бериш ҳуқуқи қонун билан қафолатланган. Овоз бериш, шу жумладан, мундтаидан олдин

2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

овоз бериш ҳамда сайловчи турган жойда овоз беришнинг яширинлигини таъминлаш сайлов комиссияларининг асосий мажбуриятларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи соҳасидаги халқаро стандартлардан яна бири адолатли сайлов принциpidir. Бу сайловларнинг даврийлигини қонун билан белгилаб қўйиш, сайловолди кампаниясини олиб боришда номзодларга тенг имкониятлар тақдим қилиш, сайловларнинг очик ва ошқоралиги, сайлов жараёнининг барча босқичида қузатувчилар иштирок эта олиши ҳамда мустақил суд демократик. Мустақил суд тизими сайлов жараёнини ноҳолислик, фирибгарлик ҳамда сохта-лаштиришдан самарали ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги сайлов ҳуқуқлари бузилиши ва сайлов жараёни субъектларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятларини қафолатлади.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими мамлакат Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги тегишли қонунлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон миллий сайлов тизимини шакллантириш жараёнида халқаро сайлов стандартларининг асосий талаблари инобатга олинган. Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатланади.

Шеърлий лаҳза

Сулаймон РАҲМОН

ШОИР

Бу дунёда шоир бир оҳанг, Тингланг уни, азиз одамлар, Шодлик берар калбида жаранг, Жаранглайди руҳида ғамлар.

Булбул дерлар шоирни, бироқ У қуйламас булбулдай такрор. Бир гул эмас, шоирни кўпроқ Қуйлатади ватан ва баҳор.

У бир буюк севги билан маст, Қаҳри қаттиқ унинг ағёрга, Ҳусни учун ватанини севмас, Баҳорни ҳам севмас бекорга.

Юлдузларга қўйса гар кўнгил, Йўқ эмасдир бунинг боиси. Унга толе тимсолидир – гул, Маст қиладир уни эрк иси.

У бир буюк нафрат билан маст, Номусини қўймас гаровга. Нафси учун ватанини сотмас, Шон-шухрат деб ялинмас ёвга.

Ўйламангким, булар барчаси Шунчаки ишқ, нафрат эмас, йўқ, Севса, қалби – қуёш парчаси, Нафратланса – сатрлари ўқ.

Мунис илҳом ошино дамлар, Кечар унинг юрагида жанг. У қуйлайди сизни, одамлар, Бу дунёда шоир – бир оҳанг...

Шахсий мулоҳазалар

«НЕ ЕРДА БЎЛСАНГ, ЭЙ ГУЛ...»

Турк адаби Азиз Несиннинг бир ҳикояси бор. Унда қадимда яшаб ўтган аллақайси шоир фалон йилнинг фалон санасида дунёга келгани ё ундан аввалги куннинг охирида – тун ярмида таваллуд топгани, агар шундоқ бўлса, тунги соат ўн иккинчи қайси сониясида таваллуд топган, деган оламшумул масалани ҳал этишга бир катта олим бел болагани, аниқлаб бўлай деганига салкам жиндек қолгани, шунга бағишлаб бир неча жилд монография ёзгани, агар алломаниннг умри етса-ку яхши, етмаса, бу улкан “муаммо”ни тадқиқ этишни унинг шоғирлари давом эттиражаклари ҳажв қилинади.

Биз бу ҳикояни ўқиб қуламиз, аммо афсуски, арзимас бир гапни ўртага ташлаш – байни пашшадан фил ясаб кўрсатиш илм-фан оламида ростдан ҳам кўп учрайди. Кераксиз, нафи тегмайдиган далилни излаб қанча одам сарсон,

олимларнинг азиз умри ана шунақа “кашифт”лар қўйида ўтади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Андижонда тутилган эдими ё Аҳсида, деган масала кейинги йилларда бот-бот ўртага қўйилган. Қўйилган, деган гапнинг ўзи ҳам эски, у аллақачон, зўрма-зўраки тарзда бўлса ҳам Андижонга “прописка” қилинган гўёки, тамом-васалом. Биз бу гап билан йўқ, у зот Аҳсида таваллуд топган, демокчи эмасмиз. Фикримиз шуки, бунинг илмга ҳам, адабиётга ҳам тўрт пуллик фойдаси йўқ, билъакс, бу ҳукм одамларни Бобурдан совутади, уни “маҳалла классиги”га айлантиришга хизмат қилади. Хорижда Бобурнинг ижодини ҳам, тарихий ишларини ҳам биздан яхшироқ билишади, Бобур ҳақидаги илмий ишларнинг қўламини кенг, теран ҳам. Чунки биз уни “бизники, ўзимизники” қилишга кўпроқ куч сарфлаймиз.

«ЭЛЛИК БИРИНЧИ ҚАЛЪА»

Тақдимот

Гулдан гулга қўниб сахар палладан, Болари бол йиғар қирдан, даладан. Шоир ҳам болари бўлсайди агар, Ишни бошлар эди Эллиққалъадан – деб ёзган эди устоз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов. Бу сатрларнинг ёзилишига сабаб бўлган инсон Незматулла Худойбергенов фаолиятига бағишланган “Эллик биринчи қалъа” номи китоб тақдимоти Ўзвчилар уюшмасининг “Дўрмон” ижод боғида бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзвчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузок олиб борди. Незматулла Худойбергеновга Уюшманиннг махсус совғалари тақдим этилди.

Тақдимотда сўзга чиккан Ўзбекистон халқ ёзувчилари Муҳаммад Али, Эркин Аъзам, Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Махмуд Тоир, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев, “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири Сирождин Рауф ва бошқалар Незматулла Худойбергеновнинг адабиётимизга қилган хизматлари, Эллиққалъада юксак даражада бўлиб ўтган маданий-адабий тадбирлар ҳақида сўзладилар.

Тадбир иштирокчиларига китоблар совға қилинди.



Замонамиз қаҳрамонлари

Инсоний фазилатлари, фидойилиги билан элу юрт орасида юксак обрў-эътибор қозониб, бошқаларга ибрат бўлиб келатган Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Уматов ҳаёти ва меҳнат фаолиятига бағишланган “Шундай яшар одатда одам” китоби тасодифан қўлимга тушиб қолди. Ҳулқар Хотамбоева ва Шоира Эрметова ҳаммуаллифлигидаги публицистика, суҳбат ва дил сўзларидан иборат китобни дастлаб шунчаки varaқладим. Айрим дил сўзлари ва суҳбатларини хар жой-хар жойдан ўқидим, расмларни томоша қилдим. Тез орада мендек кекса китобхонни у ўзинга ром этиб қўйди. Китобдан бош кўтара олмай қолдим.

ЭЛ-ЮРТ ТАШВИШИ САОДАТ КЕЛТИРАДИ

Етти фаслдан иборат бу китоб Ўзбекистон темир-йўллари соҳаси фидойиси Эркин Уматов мисолида бутун бир темирйўлчилар сулоласи тарихидан ҳикоя қилади. Қаҳрамоннинг устозлари, дўстлари, ҳамкасблари, шоғирдларининг хилма-хил самимий фикр-мулоҳазалари, жайдари фалсафалари, яқинлари, фарзандлари эъзозини мужассамлаштирган эътирофлар юрагингиздан жой олади.

“Етти пуштини билган одам заминга маҳкамроқ ёпишади”, деган ўғит темирйўлчилар сулоласининг ота-боболаридан ўтиб келгани маълум бўлади. Эркин Уматов кекса авлод вакилларидан аждоқлари ҳақида кўп суриштиради. Уларнинг барчаси бир сўзли, жўмард, айтган сўзидан қайтмаслиги боис, эл аро обрў-эътибор қозонишгандан ғурурланади. Бутун ҳаёти давомида улардек бўлишга интилади. Аждоқлари ҳақидаги ибратли воқеаларни фарзандларига, невараларига, ёшларга тўлиб-тошиб сўзлаб беришдан эринмайди.

Қишлоқ яқинидан ўтган темирйўлнинг нафақат Уматовлар сулоласи ҳаётига, балки бутун қишлоқ аҳли турмуш тарзига нечоғли ижобий таъсири оддий, кишининг юрагини “жиз” эттирадиган, қалбга яқин ибораларнинг қўлланиши билан ифодаланади. Эътибор беринг: “Пастда темирйўл бор...”, “Маош ҳам берар экан...”, “Ишлаганлар учун яшашга жой ҳам бераркан...”, “Вагонларда нон келтириб, тарқатар экан...”. Узоқ йиллар давомида фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган қишлоқ аҳолиси учун бу хабарларнинг ҳар бири ўша кезларда қанчалик умидбахш бўлса, уларнинг эсланиши китобнинг ўқишлигини янада орттириб юборган.


Муаллифлар Эркин Уматовнинг аждоқлари, уларнинг ҳаёти ва турмуш тарзига тўхталар эканлар, беихтиёр “ҳа, мен ҳам шундай демокчи эдим”, деб



юборганингизни билмай қоласиз. “Уруш туғганига ун йил бўлди... Ҳашаматли бўлмаса-да, элу юрт олдида дастурхон ёйиб, ош узатишнинг ўзи ҳам бир саодат эди. Тўйлар ким ўзарга эмас, узокроққа чоптира бошлаган болақайларнинг суннати-ю, икки ёшнинг бошини бир ёстиққа қўйганини билдириб қўйиш учун қилинарди. Албатта, қарнай ҳам бўларди, қарнайга тугиб кетилган белбоғ қарнайчининг ҳақи эди. Албатта, ашула ҳам айтилар, одамларнинг олқиши ашулачининг димоғини чоғ қилишга кифоя эди. Кейин-чи... Шу тўйдан тўёна деб уларга бир тугун қилиб бериларди. Аста-секин бу тугундан сўлкавой дуруст, дедилар. Кейин-кейин сўлкавойдан қизил қоғоз пул соз, дедилар. Бора-бора “қўки”дан деб, қутуриб кетишди”.

Булар шу кеча-қундузнинг огриқли нуқталари эмасми? Ҳар бир маданиятли, инфошу диёнатли кишининг кўнглидаги гап эмасми?

Қишлоқ аҳолисининг меҳмондўстлиги, ҳимматлиги, ўзаро иззат-ҳурмати қизиқарли воқеалар мисолида ёрқин бўёқларда акс эттирилган. Уч-тўрт



ИЗҲОР

Жаҳонни бир булбули жўлида тарқ этди. Энди жафоқай, мушфиқ, меҳрибон, мунис Ойдин Ҳожиева йўқ. Муъжиз, мустасно гўльзори адам бўстониға етди. Видо кунларида ҳамдард бўлган, кўнгли сўраган, оламорони сўнги йўлга бирга қузатганларга ташақкур айтаман. Ўлим бўлмасин. Раҳматуллоҳи таоло.

Ойдин ҲОЖИЕВА оиласи

2 июнь 2023 йил Тошкент

кунлаб қолиб кетган меҳмонлар билан суҳбат ва гурунларда биров ғийбат қилинмаган. Уларнинг ўзаро гурунги асосан “об-ҳаво, ўт-ўлан, яйловлару тоғлар ҳақида, ўзлари яёв кезаётган тоғу тошларда, дашту далаларда авваллари қанчақа жониворлар бўлгани-ю ҳозир қайсилари қолгани, яйловларда ўт-ўланларнинг қайси вақтда ўсиб, қайси вақтда қовжираши” ҳақида, бир сўз билан айтганда, табиятни, унинг ҳайвонот оламини асраш тўғрисида бўлган. Эркин Уматов то тонгга қадар давом этган, ўзгача гаштли ана шундай суҳбатларни эшитиб ўсган.

Уматовлар сулоласининг илдизини бақувват дарахтга ўхшатса бўлади. Чунки улар ўртасида меҳр-оқибат, қариндошлик ришталари китобда бошқаларга ибрат қилиб кўрсатадиган даражада баён этилган. Чунки бировага бегараз ёрдам кўрсатиш, астойдил яхшилик қилиш, яхшилик қилиб, кейин бу ҳақда гапирмаслик Уматовлар сулоласига хос ҳислатдир.

Бошланиши 1-саҳифада

Сарасоф солиб карасангиз, фалон улуг "анов сойнинг у ёғида туғилганими, ё бу ёғида", деб тортишлари, кимнинг киндиги айнан қайси шаҳар ё туманда кесилганига қараб ўша вилоятдаги кўча, мактаб ва ҳоказолар шу одам номига қўйилади.

Нега махаллийлаштиришга ружу қўямиз? Нега бир миллат ўларок, барчага кенг бағир очмаймиз? Улуғларни қаршилик, марғилолик, қўқонлик деб ажратмай, ўзбек элининг фарзанди сифатида эъзозламаймизми?

Бугина эмас. Умуминсоний, исломий, локал туркий қадриятлар микёсига қўтарилса, миллат кўзи очилиб, ўзини ўзи макташ, ўзига ўзи махлиёликдан халос бўлиб, юксаларми эди...

Бу гапларнинг ёзиллишига таникли матншунос олимимиз Ваҳоб Раҳмонов домланинг бир мучал аввал битилган "Ғарибингга тараххум айлагилким..." деб номланган мақоласи ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 2011 йил, 7-сон) туртки берди. Унда муаллиф Бобурнинг "Баҳор айёмулдур..." деб бошланадиган машҳур газалининг сўнгги байти – мактаъси илмий адабиётларда икки хил ёзилаётганига эътибор қилган. Чунончи,

**Не ерда бўлсанг, эй гул,
андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараххум айлагилким,
анда жонидур.**

Ўзга бир китобда эса "сал" бошқача берилган экан:

**Не ерда бўлсанг, эй гул,
андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараххум айлагилким,
андижонийдур.**

Домла иккинчи талқини ёқлаб, катта-катта олимларнинг фундаментал тадқиқотларида ҳам "анда жонидур" деб хато ёзилган, деб эсиди.

Бу газал, уни машҳур ҳофиз Шерали Жўраев ашула қилиб айтганидан кейин жуда оммалашиб кетди, қўшиқда ҳам боғия сўз "андижонийдур" деб талаффуз этилади. Исмоил Тўлаков эса "Андижоним колди менинг" деб шеър ёзди, соддарок одам

буни Бобурнинг ўзи битган экан, деб қабул қилади. Ҳолбуки, Бобур бирон шеърда Андижонни тилга олмаган, чунки унинг газаллари автобиографик эмас, тасаввуфий йўналишда.

Дарвоқе, бу мисра, агар у "андижоний" шаклида бўлса, бошқа тилга нима деб таржима қилинади? Менга мурожаат этган таржимон, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Иброҳим Чориев: "Нега энди маъшуқа ўз ошиғига у андижонлик бўлгани учунгина раҳм қилиши керак? Андижонлик бўлмай, бирон бошқа жойлик бўлишининг нимаси ёмон? Қани бу ерда мантик?", деб сўрабди.



Чиндан ҳам, "Ҳой нозанин, бошқага бўлмаса ҳам, менга раҳм қил, чунки мен андижонликман", деб бўладими? Йўқ, албатта. Бу иддао Шарқона этикетга ҳам номувофиқ. Бобурнинг кўнгли бу сингари манманликдан саришта.

Хурматли матншунос олим эса ўз талқинига "қонуний" тус бериш учун "Бобурдай сўзда заридунос, маънода гавҳаришунос шоир сўзларини котиблар тасоифан

йўл қўйган хатолардан ҳолис қилиш" кори хайригини уқтиради.

Аммо... котиблар (яна, бир эмас, бир неча котиб) "тасоифан" (?) хато қилганми? Тасаввурга сизмайди. Негаки, олимимиз талқинида англасак, байт мазмуни бузилади, котиблар тўғри битганидай ўқисак, ростланиб, Бобур айтгани каби асл сўфиёна маъноси рўёбга чиқади.

Домланинг фикрига кўра, шоир "Эй, гулдай севгилим, андижонлик ғарибингга раҳм-шафқат қилгин, Сен қаерда бўлсанг, Бобурнинг жони ўша ердадир", деяётган эмиш. Андижондан йироқларда – Кобул

Зухриддин ИСОМИДИНОВ

«НЕ ЕРДА БЎЛСАНГ,
ЭЙ ГУЛ...»

дами, Аградами ёзилган газалнинг ушбу байтида Бобур ўзини андижонлик ғариб, дея гўё шеърига имзо қўйган ва бундан ажабланмаслик лозим экан.

Даригки, хато фикрни нима қилиб бўлса ҳам "қабул қилдириш" учун Ваҳоб ака байтдаги сўзлар ўрнини алмаштириб, маънони бузиб ҳам юборади. Аслида эса, Бобур "андижонлик ғарибинг" деяётгани йўқ. Боринги, домла каби "Андижонийдур" деб ўқисак ҳам, "ғарибингга раҳм-шафқат қил, (сабаби) у андижонликдир", деяётган бўлар эди.

Ғазалнависликда муҳим бир қоида бор: шоир бирон фикрни илгари суриш учун аввалги байт унга мантаний асос (таносуб санъати) келтиради. Бу ўринда эса нега ёрнинг андижонлик раҳм-шафқат қилиши кераклигига далил йўқ. Чунки Бобур унақа демоқчи эмас. Бу қабилдаги хатолар ҳақида айнан Ваҳоб ақанинг ўзи шундай деб ёзади: "Икки сўзни бир сўз ҳолига келтириш фикрни умуман издан чиқариб юбора-

ди". (Ваҳоб Раҳмонов. "Мумтоз сўз сеҳри", 2015, 271-бет). Бу ерда ана шу сакталиқ юз берган.

Яна, энг муҳими, бу байтда шоир "андадур жони: анда жонидур" қабилида бадийий санъат (тарди ақли тарсеъ) қўллаган эди:

**Не ерда бўлсанг, эй гул,
андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараххум айлагилким,
анда жонидур.**

Тақрор айтаман, Бобурнинг ватани – бутун ислом дунёси, туркий олам ва ниҳоят, бугунги Ўзбекистондир, шундай экан, уни нима қилиб бўлса ҳам "андижонлик"ка айлантиришдан не наф? Эски ўзбек ёзувида ҳам бунинг бири икки сўз (يناج حندن), яна

бири эса битта сўз (يناج حندن) тарзда битилади. Котиблар бунчалик янглишмаса керак?

Байтнинг маъноси ҳам домланинг талқинидан анча ўзга, назаримизда. Ёр маъноси – ғариб ошиқнинг кўнглидир, шундай экан, эй гул каби санам, раҳм қил, ўз уйингни (ошиқ кўнглини) вайрон айлама, демоқчи шоир. Албатта, бу хийла мураккаб тарзда ифода топган.

Хар бир улуг сиймо – ватан фарзанди. Аммо биз гўё уллардан янада кўпроқ фахрлангандек бўлиб, маҳалламиз идорасига хатлаб оляймиз. Қизиқ-да, Муқимий Кўконда эмас, Когонда тугилса фарғоналикларнинг ифтихори бўлмай қолармиди? Фузулий Ироқда тугилган бўлса нима қилди? Бобур Аҳсида эмас, Андижонда тугилганини ким исбот қилса, мунча мукофоти бор, деб соврин ажратилиш илмга хилоф юмуш-ку? Ўшани аниқлаган билан шоир ижодининг қиммати ошиб ё камайиб қоладими?

Ваҳоб Раҳмонов домла эса, давом этиб, шундай ёзади: "Биз агар... байтнинг иккинчи мисрасини: "Ғарибингга тараххум айлагилким, анда жонидур" тарзда эълон қилсак, икки нуқсон содир бўлади: фикр ҳавода муаллақ қолади; ўринсиз, қўпол тақрор юз беради". Бу – жуда кескин ҳукм, чунки аввало кўлэмалар орқали исботланмайди, қолаверса, "Андижонлик бўлганим учун тараххум қил" дейиш мантиска зид ва ниҳоят, шоирнинг ўзи айнан шундай деб ёзган. Сўзга ниҳоятда дақиқ, маънога ҳассос, хатто Алишер Навоий ижодига ҳам закий назар ташлай олган Бобурни бу қабила айбашдан тийилганими дуруст. Байтда "фикр ҳавода муаллақ" қолмаган, "ўринсиз, қўпол тақрор" ҳам йўқ.

Мақола шундай якунланади: "2008 йилда Бобур таваллудининг 525 йиллиги тантанаси куни – 14 февралда Андижон шаҳри чорраҳалари ана шу байт ёзилиш лавҳалар билан безалган эди. Шунинг учун ҳам Бобур жамоат фонди раиси Зокиржон Маширабов кўп ўтмай Богшамолда Бобур боғидаги ҳайкали белбоғиса йирик ҳарфларда шу байтни ёздирди:

**Не ерда бўлсанг, эй гул,
андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараххум
айлагилким, андижонийдур.**

Энди Бобур номидаги миллий боққа қандам қўйиб, шоир сиймосига назар солган ҳар бир киши кўзи олдида ана шу байт ярқираб кўриниб туради..."

Ажаб, шундай айёмда, бундай жойларда "прописка" кўрсатилмас, балки энг фалсафий, хикматга кон парча ёздирилар эди-ку? Бобур девонидан излаб-излаб топилган шохбайт нахот шу бўлса?

...Халқаро Бобур фонди шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда таҳсинга лойик ишларни амалга оширди ва ошириб келаётгани, аммо бу кори хайр негизда уни "Андижоний"лаштириш турмаслиги керак, деб ўйлаймиз. Чунки бунақа "факт"дан илмга наф йўқ. Илмий ҳақиқатдан кўз юмилган жойда эса бошқа ҳар қандай ҳақиқатнинг кадри қолмайди.

Сайлов тизими ва тамойиллари:
ҚОНУНЧИЛИК ВА
ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўжорги Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳамда сайлов тегишли органларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – октябрь ойи учинчи ўн қунигининг биринчи ажрасида ўтказилади, бундан ушбу Конституцияда назарда тутилган муддатидан илгари сайлов ўтказиш ҳоллари мустасно. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшрин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлашга ҳақли.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан факат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республика-

си фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас. Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳамда сайловларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятнинг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган кодекснинг 14-моддасида "Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари", "Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари" режасининг қайд этилганлиги ўзига хос янги жараёндир. Мазкур кодексда белгиланганидек, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органларининг ахборот базаларига мувофиқ сайловчи фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари режисистр ўз ичига олган давлат ахборот ресурсларидир. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ахборот неги-

зида шакллантирилади ва янгилаб турилади, сайлов кампанияси даврида эса тегишли участка сайлов комиссиялари томонидан аниқлаштирилади.

Ҳар бир участка сайлов комиссияси тузилганидан кейин уч кун ичида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатида тақсимланган мазкур участка сайловчиларининг дастлабки рўйхатини олади. Демак, бу йилдаги сайлов жараёни техника-технологик жиҳатдан янгича усулда амалга оширилади. Жумладан, сайлов участкасида овозларни санаш баённомасининг нусхасини дарҳол жойлаштириш тартиби белгиланганки, бу ўз вақтида шаффофликни, очикликни ва адолатни таъминлашга хизмат қилади. Сайловларнинг ошкоралиги сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситаларида ёритишни кўзда тутди. Бутун сайлов кампанияси том маънодаги ошкоралик асосида ўтказилади. Ошкоралик сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, жумладан, овозларни санаб чиқиш, овоз бериш натижаларини аниқлаш ҳамда сайлов натижаларини белгилаш тадбирлари очик ўтказилишидан далолатдир.

Ҳар бир фуқаро сайлов жараёнида сайлов округи ва участкалари тузилиши, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ҳамда иш вақти, Президентликка номзодлар, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақида ахборот оlish ҳамда тарқатиш ҳуқуқига эга.

**Фирюза МУХИТДИНОВА,
Тошкент давлат юридик
университети профессори**

Бошланиши 1-саҳифада

Эркин Уматов беғубор ва қизиқарли воқеаларга бой бўлган ёшлиги, уларнинг уйдан бор-йўғи юз-икки юз қадам наридан ўтган темирйўл унинг ҳаётида туб бурилиш ясагани куйидаги самимий сатрларда баён этилган. "Эркин... поезд овозини кутиб улғаярди. Поезд овози уларнинг асрлар бўйи бир хил тарзда кечаётган ҳаётларига қандайдир катта янглик олиб кираётганини, гарчи сўз орқали тушунтириб беролмасда-да, ич-ичидан ҳис этиб тургандек бўларди. Унинг назарида дунёда поездинг овозидек сеҳрли овоз йўқ эди. Узқодан рельсларга урилиб келаётган филдирак овозини эшитган заҳоти кўчага қараб югу-

Эркин Уматов 40 йилдан зиёд меҳнат фаолияти давомида деярли барча темирйўл бунёдкорликларида иштирок этди. Бу даврда у ўрганди, тажриба тўплади, хулоса қилди, меҳнатлари самарасини кўрганида ҳаёти беҳуда ўтмаётганидан мамнун бўлди.

"Йўлсозларнинг умри йўлда кечади" деганларидек, мамлакатимизнинг қайси ҳудудда темирйўл қурилиши бошланса, Эркин Уматов жамоаси билан ўша жойга отланди. "Навоий – Учқудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус", "Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон", "Ҳайратон – Мозори Шариф", "Бухоро – Мискин", "Ангрен – Пол", "Қамчиқ туннели" қурилиши, "Тошкент – Самарқанд" участкасида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электр поезди

ЭЛ-ЮРТ ТАШВИШИ
САОДАТ КЕЛТИРАДИ

рар, гуриллаб ўтаётган маҳобатли поезд ортидан қишлоқ четигагина чопиб борар эди... Уйқуга кетишидан олдин қулоғига охириги эшитилган овоз поездиники бўлгани учун орзуларга тўлиқ тушлар кўрарди. Эрталаб ҳам шу овоздан орзуларга тўлиб уйғонарди".

У отасининг темирйўлчилик касбига меҳр қўйиб вояга етди ва темирйўлчилар тайёрлаш институтига ўқишга қира олмасда-да, ота касбини танлади. Танлаган касбида ишлаш бир текис кечмади, оғир ва энгил кунларни бошидан кечирди. "Темирйўлнинг ноли ширин... Эҳ-ҳе, биласанми, ҳали келажакда қандай инсон бўлиб етишасан? Мен сенга ишонманам. Фақат унутма, астойдил ишлаган, меҳнатдан қочмаган одамгагина омад кулади, бахт кулади, ўғлим..." Бу отасининг ўғлига берган ўғити эди.

Эркин Уматов темирйўл мисоли текис чизилган тақдир йўлидан жуда катта машаққатлар билан елдек елди. У қаерда ишласин, ким бўлиб ишласин, масъулиятни чуқур ҳис этиб меҳнат қилди. Шу боис йилдан-йилга билими, тажрибаси ортиб бораверди. Шунга қараб, лавозими ҳам йилдан-йилга ошаверди. Лекин унинг мансаб лиллапояларидан йиллар сайин кўтарилиб боришининг замиридан масъулият, меҳнат, машаққат, гурур, бурч, ордудан тортиб, юздаги ажинлар, йўқотишлар-топишлар жой олди.

Ҳаракатини ташкил этиш бўйича олиб борилган бунёдкорлик ишларининг барчасида қатнашди. Бу бунёдкорликлар тарихга ёзилди, доврўғи дунёга таралди. У ана шу тарихий ишларга ўз ҳиссасини қўшган омадди инсонларнинг бирига айланди.

Мустақиллик йилларида қурилиб фойдаланишга топширилган "Навоий – Учқудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус", "Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон" каби буюқ иншоотлар қурилиши давридаги қийинчиликлар, уларни энгиб ўтишда темирйўлчиларнинг кўрсатган жасорати оддий ва равон тилда муаллифлар томонидан очиб берилган. Шунинг учун ҳам ушбу улкан бунёдкорликларнинг ўзига хос жиҳатлари, инжиқликлари бир ўқишда ўқувчининг ёдида қолади.

Унча-мунча одамнинг бардош бериши амримаҳол, киши қаттиқ, баъзан қуруқ, изғирин совуқ, ёзи эса жазирама "қаҳри қаттиқ чўл" Қўзилқумнинг инжиқликларини энгиб ўтган, "тоғларнинг белидан темир камар ўтказишган", дунёни лол қолдирган Ўзбекистон темирйўл бунёдкорларининг шарафли меҳнати ёрқин бўёқларда акс эттирилган. Саҳролар, даштар ва тоғлараро ўтган темирйўл кириб борган ҳар бир овул ва қишлоқда ижтимоий-маданий иншоотлар қурилди. Натижада ерли аҳолининг қайфияти,

турмуш даражаси, дунёқараш ва ҳаётга муносабати ўзгарди.

Айниқса, "Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон" темирйўлининг муваффақиятли якунланиши Ўзбекистон темир йўлчиларининг ҳурмати, обрўсини янада ошириб юборди, уларнинг салоҳияти ва қудратига ишонч ортди. Натижада Афғонистон Ислום Республикасида илк бор қуриладиган темирйўл қуриш ишлари Ўзбекистон темирйўлчиларига ишониб топширилди. Эркин Уматов ҳам бу қурилишнинг масъул раҳбарларларидан бири сифатида иштирок этди.

Миллатимизнинг олижаноблиги, бағрикенглиги, андишаллиги ҳақида мулоҳаза юритганда, Ватанини кам-қўсти, тинчлиги, хотиржамлиги, бор-буди билан севади, ўзини хотиржам, эркин ҳис қиладиган Ватани билан фахрланади. Инсонлари Ватанини яхши кўрмаган юртларда тинчлик ҳам, ривожланиш ҳам бўлмайди, улар ҳақиқий бахтни ҳам ҳис қилолмайди, дейди у. Инсон қадри ҳақида гап кетганда: "Инсон ўз қадрини тилаб олмайди. Қадри меҳнат, яхши фазилат билан қозониш мумкин", деган хулосага келади. Вақт ҳақида гап кетганда эса, "Инсон ўтаётган вақтни ота-онасида, болалигида, болаларида қўриши мумкин", дейди ва "Уни қадрлаш керак... Яшаб қолиш керак! Яшаганда ҳам мазмуни яшаш керак", деб ҳайқиради. Ота-она олдидаги қарз хуусида ёшларга қарата бу ҳазрати инсонларнинг қарзини қадр билан узиш керак, яъни уларга эътибор қаратиш, меҳр кўрсатиш лозим, дейди. "Яхши кўрганларининг қадрига борида, ёнингиздалигида етинг!" деб бонг уради.

"Ҳаётим давомида бир нарсани тушуниб етдимки, бизнинг оддий оилада туғилиб, вояга етганимиз, ота-онамизнинг ниҳоятда камтарин, содда-самимий инсон бўлишгани, уларнинг берган тарбиялари энг катта бойлигимиз, бахтимиз экан", дейди қаҳрамонимиз. Китоб фаслларидаги Фафур Фулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Хуршид Даврон, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид каби шoirлар шеърларидан олинган иқтибослар ҳам ўрнига тушади.

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Уматовнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятига, Уматовлар сулоласи тарихига бағишланган бу китоб одамларни меҳр-оқибатга, миллатни, Ватани, меҳнатни севишга, катталарга ҳурматда, кичикларга эззатда бўлишга, ёшларни ўз касбини севишга, ёшларимизни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш йўлида ўзига хос ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

**Зокир ЖУМАЕВ,
меҳнат фаҳрийси**

Муҳаммадамин ХОЖАКБАРОВ

КАФТИМДА ОЧИЛГАН ЛАХЗАЛАР



Афсун ўқир қулоқларимга
Тошлоқ йўллар ва тор сўқмоқлар.
Юрагимдан тўқилар ерга,
Қизғиш тусга кирган япроқлар.

Увиллайди кузнинг шамоли,
Дил қоришиб кетар найларга.
Сукунатнинг сокин хаёли
Бошлаб кетар аллақайларга.

Йўл юраман, оёқларимга
Ботиб кетар тақдир тошлари.
Томоғимни қуйдириб ташлар,
Йиғлаётган кузнинг ёшлари.

Қулоғимга афсун ўқиган
Тошлоқ йўллар чекади андух.
Ҳижроннинг тор сўқмоқларида
Сарсон бўлар девонавар рух.

Юрагимдек ерга тўшалган
Япроқларнинг ўчади ранги.
Дил деган най чилларчин синган,
Энди унинг чикмас жаранги...

Кафтимда лахзалар очади куртак,
Кафтимга ўрнашиб олади осмон.
Қип-қизил анорга айланар юрак,
Чалажон ҳисларга қира бошлар жон.
Қулоқларим кўмасар сукут шивирин,
Илинжим сиғмас вақт ховучларига.
Йўлини йўқотган ёмғирранг ҳислар
Қоришиб кетарлар товушларимга.

Кафтимда очилган лахзалар – яшил,
Кафтимга эврилган осмонлар мовий.
Ичимнинг ичида синади чил-чил,
Бир ҳазин мусиқа, бир ҳис – самовий...
Қип-қизил анорга айланар юрак,
Сочилиб кетади, бўлади вайрон.
Рухимда бўронлар, чакмоқ, гулдурак,
Кўзларим тубида кимдир берар жон.
Чалажон ҳисларим кетади гуллаб,
Очилар кўксимда занглаган кафас,
Лабимга мавҳумлик аста босар лаб,
Қоронғи, сукунат, кесилар нафас.
Кафтимда лахзалар очади куртак,
Кафтимдан ўзлигин излар нигоҳлар,
Ўйларим уфқида учирай варрак,
Ўзлигин топмаган хокисор охлар.

МАНЗАРА

Тилкалар самонинг бағри,
Унга шамол санчади пичоқ.
Булуларнинг келади қаҳри,
Исён қилар момақалдирик.

Бирдан қонаб кетади замин,
Ва қайдандир келади садо:
"Кўзингни юм, Муҳаммадамин,
Кўзингни юм, яқиндир видео".

Қулоқларим қоматга келиб,
Аста юма бошлайман кўзни.
Рухимга оқ байроқлар илиб,
Кўзларимга кўмаман Сўзни!

Илинжимни эски деворга осдим,
Сўнгра оқдим туннинг оҳанглирида.
Шаффоф лахзаларнинг сувратин чиздим,
Ҳеч ким илғамаган ишқ ранглирида.

Қўлимда мўйкалам, турфа хил ранглар,
Рангини топмаган рангсиз рўёлар.
Қулоғим остида тинмай жаранглар,
Исёнга бўялган мунгли нидолар...

Чиздим оҳангида оқиб тунларнинг,
Энг тоза рангларга бўлдим рўбарў.
Рангига чулғониб кетдим қуйларнинг,
Қалбимдан тўқилди тавба-газарру.

КЎНГИЛ

Дил синган қадаҳдир – қуёлмайсан май,
Бус-бутун қилишга етмас қудратинг.
Кўнгили бер! – дегайсан,
ўзинга тинмай,
Бунга йўл қўймайди
сенинг фитратинг...

Қўлларинг муаллақ турар ҳавода,
Кўзингда сузади фироқ кемаси.
Ёлғонга кўмилган бу паст дунёда,
Сен ва мен энг тоза ишқнинг меваси.

Дил синган қадаҳдир, уни синдирган
Инсонлар фироққа ошнодир бугун.
Уларнинг кўнглини ҳаёт синдирган,
Уларнинг қисмати ечилмас тугун.

Шунинг-чун, ироданг етмаса агар,
Кўнглимга зеб берма,
кўнглингни берма.
Кўнглимда муҳаббат бўлмаса агар,
Ортинга қайтиб кет, кўнглимга кирма.

Дил синган қадаҳдир – қуёлмайсан май,
Бус-бутун қилишга етмас қудратинг.
Кўнгили бер! – дегайсан ўзинга тинмай,
Бунга йўл қўймайди сенинг фитратинг.

ҚАЙГУРМА

Қайгурма, йиғлама, олма хавотир,
Бекордан бекорга солаверма дод.
Қайгурсанг, юрагинг зўриқар ахир,
Йиғласанг, шўр бўлиб кетади ҳаёт.

Қайгурма, сокин бўл, олма хавотир,
Тузуқман, дарднинг ҳам етмади кучи.
Юрагим ҳали ҳам тез ураёттир,
Ҳали ҳам қайғуга тўладир ичим.

Қўлимда қувват йўқ, ана қалам ҳам,
Мени кутавериб кўқариб кетди.
Умримнинг алвонранг қуёши эса,
Мовий кўзларингнинг тубига етди.

Шунингчун қайгурма, йиғлама, гулим,
Хавотир ҳам олма, фироқ ҳам чекма.
Кўзларинг тубига кўмилган умрим,
Худа-беҳудага кўз ёшинг тўқма.

Назокат АТАҚУЛОВА



КЕТАЙЛИК ДЕЙДИ

Ҳар оқшом чертади
Деразамни ишқ,
Тур дейди, юр дейди,
Кетайлик дейди!
Ғанимдай поралаб
Ўч олаётган
Соғинчнинг шивирини
Қалбимни ейди!

Ойнинг ўртаниши
Самода гирён,
Бедорлик қўйлагин
Кийган бир нафас!
Телба кўнгиладо
Бўлар тўполон,
Шивир-шивир изгир,
Махзун қуй абас!

Саболар тонг чоғи
Чайқалар беғам,
Гулбарралар узра
Бехолдир йўлак.
Ғуборлар барчаси
Йиғилишиб жам,
Илинж чўққисига
Бўлгандек тиргак!

Соғинчнинг ҳар они
Фараҳбахш ёғду,
Қалб аро нурлардан
Ошёнун бир тахт!
Рухимга ингандек
Бир ёруғ туйғу,
Соғиниб кутганим
Балки, шудир бахт!!

БАҲОРИНГМАН

Борлиққа яшиллик қийдириб келган,
Қаршингда гул-гул ёнган баҳорингман!
Адаштириб қўйса кимсасиз йўллар,
Қалбингни забт этган бир наҳорингман!

ИЛА-ИЛА ЁНИАН
БАҲОРИНГМАН

Нигоҳим боғланди, демагил зинҳор,
Лутф айлаб таллинган бегуборингман!
Муҳаббатнинг йўли айласа душвор,
Мағрурлигим ила хокисорингман!

Анинг анбар мушки етмас деса ҳам,
Айлаин садқайи жон нисорингман!
Изтироби тўла кўнгили мулкнинг
Шукрим баридан устуворингман!

Баланд тоғта етиб бўлмаса бу йўл,
Хаёлан йўқлаган дилда борингман!
Ғазабланиб шошиб келганда ҳам дўл,
Дайдиган довулдек бир хуморингман!

Нафосат-ла ифор сочса жийдазор,
Орзули аршларда қолган ёрингман!
Суви лим-лим бўлиб окмоқда анҳор,
Йўл бошида маънос интизорингман!

СУКУТ

Кимсасиз манзилга чорасиз қочиб,
Ўнгдаги хижронлар тушга айланди!
Йўлларни тиконлар қўйдими ёпиб,
Кескир нигоҳларда соғинч саргайди!

Қушларга тўлганди зангори осмон,
Келганди ҳайқириб бирпасда булут!
Майсалар эгилиб, тўлғониб тўлқин,
Айрилиқ онларни сақлайди сукут!

Бехолгина шовуллар кимсасиз боғ,
Ястаниб ётади йўллар-чи, сўнгсиз!
Сароблар пинҳона қолдиради доғ,
Чекилар изтироб, азоблар ҳадсиз!

Худди шу қун зулмат, отмагандай тонг,
Юрак излагайдир Илоҳдан нажот!
Илинж чўққисига турибди аранг,
У ошён аришида ўчмас хотирот!

Йўллар ҳам тугайди, тугар бу тун шам,
Дардқасис ўқирай шафқатсиз тўфон!
Ҳижронлар ашқига девонадир га,
Тугаган сабрлар аллайди хар он!..

ШАЙДОЙИНГ КЕЛДИ

Сумбул қишларин чиройли тараб,
Меҳрини яшилмай шайдойинг келди.
Ҳайрон муҳаббатни кўксига қамаб,
Эшигинг ёнига гадойинг келди.

Қаҳрингга бир назар солади секин,
Маломат айлаган садойинг келди.
Бедард ишқ бағрига ўзини отган,
Гул ғариб, ул сарсон адоинг келди.

Кун аро тонгу шом оғриқни топган,
Оромидан кечиб жудойинг келди.
Орият айтгани қўймайди лекин,
Бемажол суяниб фидойинг келди.

Истақлар кучоғи тун эмас, офтоб,
Ғамгин дилга малҳам, ул боринг келди.
Бир хато тортиғи бўлди минг азоб,
Сенга ошиқ бўлган дилдоринг келди.

Жон риштасин тортиб келганда байтлар,
Қадри баланд ўшал дил торинг келди.
Сабр лаҳзасига тобелик пайтлар,
Сочига гул таққан гул ёринг келди...

Эй ёр, кутиб олгин шайдойинг келди...

БИР СЎЗ АЙТИНГ

Бир сўз айтинг муҳаббатдан,
чалинсин тор,
Келди баҳор, табарруқдир унинг йўли.
Соғинч билан олам ғўзал, дил фусунқор,
Очилсин барг, новдаларнинг ўнгу сўли.

Бир сўз айтинг, ифоридан
топай малҳам,
Бойчечакдан офтоб менга
қўйлак бичсин.
Субҳидамда тушларимни айланин жам,
Лозазору майсаларни шабнам кучсин.

Бир сўз айтинг, гулзорлару
гулшан бўлиб,
Турфа қуйлар оғушида юрсин хаёл.
Толим-толим ой нурлари бошин қўйиб,
Зулматларни ёритувчи бўлсин хилол.

Бир сўз айтинг, сеҳри
шунча тошқин бўлсин,
Сирларидан ой оғохдир, юлдуз оғох.
Соғинтирган сабзорлар садо берсин,
Ҳайрат ила фидо бўлсин тоза нигоҳ.

Бир сўз айтинг, боғу баҳор,
гулзор бўлсин...

Агар истеъдоднинг кучи фақат қўришда бўлса, хон амри билан икки кўзи ўйиб олинган лезгин шоири Кочхурский қандай қилиб қўшиқлар тўқиган? Агар истеъдоднинг кучи фақат бойлиқда бўлса, етимлик ва кашшоқликда ўсган лезгин шоири Етим Эмин қандай қилиб машҳур бўлди? Агар истеъдоднинг кучи фақат билимда бўлса, ёзишни билмаган, имзо қўйиш ўрнига бармоғига сиёҳ суриб босган Сулаймон Стальский қандай қилиб "XX аср Гомери"га айланди? Агар истеъдоднинг кучи фақат кўп ўқиш ва билимдонликда бўлса, нега кўп ўқиган ва жуда билимдон айрим кишилар хатто эса қолдиган бирон шеърини мисра ҳам ёзишмаган?

Аваллари тоғлиқлар ўзаро қизқарли бахс-айтишувлар ўтказиб туришган. Бир томондан, авар тилида ўқиш ва ёзишни билмаган саводли кишилар, иккинчи томондан, ўз иши билан банд бўлган хунармандлар, чўпонлар, яъни "саводсиз" кишилар. Улар шеърини бахсга, айтишувга киришган. Бу айтишувларда кўпкор чўпонлар голиб чиқишган. Чунки саводли кишиларнинг ҳамма жиҳати ҳисобга олинди, ақл тарозисиди ўлчанган қўшиқларини чўпонларнинг тоғдаги шамолдай эмин-эркин эсадиган қўшиқлари босиб кетган.

Бироқ айтишувда қайси томон голиб чиқишидан қатъи назар, голиб албатта, шоир бўлган. Яъни голиб – ё ўқиш ва ёзишни билмаган томондаги шоир, ёки чўпонлик қилиб юрган шоир. Агар бундай айтишувларда Маҳмуд ва менинг отам Ҳамзат ҳам иштирок этишса, улар ўзаро бахсга киришган. Қолганлар бундай юқори пардадаги айтишувга қўшила олишмаган.

Эҳтимол, истеъдоднинг кучи ақлдадир. Мен Москвада ва бошқа қўшлаб мамлакатларда бўлганимда жуда ақли одамларни учратганман. Агар уларнинг ақли шеърга, ҳикоя ёки романга айланганда эди, улар бе-бахо асарлар саналарди. Лекин улар ақлининг перо орқали қоғозга қўчишига нимадир ҳалақит беради ва айтган доно фикрлари ҳавода қолиб кетади, айта олмаганлари эса ўзи билан бирга қабрга қўмилади.

Шундай экан, эҳтимол, истеъдоднинг кучи тер тўкиб ишлашдадир. Ахир, биз истеъдоднинг ўзи ҳали ҳеч нарса эмас, тер тўкиб ишлашига юзага чиқади, деган гапни кўп бор эшитганмиз. Аммо гапнинг пўст-қалласини айтиб қўя қолай: менга оғир юк кўтариб терлаб келаётган эшакнинг ханграт-

шидан кўра, новдада шундай қўниб сайраётган булбулнинг овози кўпроқ ёқади.

Айтадилар-ку, аравани тортиб келаётган эмас, араванинг устида ўтирган қўшиқ айтади. Қудратли Оллоҳим, ерда биз тушунмайдиган нарсалар бунча кўп. Агар қўшиқ аравада маза қилиб кетаётган одам роҳатининг меваси бўлса, эҳтимол, санъат моддий жиҳатдан таъминланган ва ҳеч қандай ташвиши йўқ кишилар кўнгили очишининг маҳсулидир?

Расул ҲАМЗАТОВ

ИСТЕЪДОД

"Менинг Доғистоним" китобидан

Ахир, ғариб қулбарда яратилган қўшиқларини қасрларда яшаётганлар ҳам айтишадими-ку?! Хонлар ва бадавлат кишилар ҳақидаги эртақларни камбағаллар тўқиган-ку?! Шамхол Ирчи Қазани Сибирга сургун қилди. У сургунда ҳам ёни шеърлар ёзди. Эндиликда Ирчи Қазак шеърларини ўқиган борки, кўмиқлик Шамхол тўғрисида билди.

Ёш гуржи князи Давид Гургамшивинли тоғлиқлар ўғирлаб кетишди. Уни Унцукладдаги чуқур ўрага ташлашди. Зах ўрада осмонга қараб ётган князь ўзининг ям-яшил Гуржистонини соғинди ва шеър ёза бошлади.

Хунзах хонининг кизи Ойша ёш чўпон йигитни севиб қолди. Отаси бу ҳақда хабар топиб, қизини уйдан хайдаб чиқарди. Қаҳратон киш кечаси эди. Енгилгина кийинган, совуқ шамолда дийдираб тизза бўйи қор кечиб кетаётган Ойша ўзининг дастлабки қўшиқларини тўқиди.

Шундай экан, эҳтимол, истеъдоднинг кучи одамнинг чорасиз қолишида ёки камбағаллигидадир? Эҳтимол, бахтсизлик ва қайғу-ғам энг сара қўшиқлар яратилишига туртки беради? Шеър ўзи нима, унга ким керак? Шеър Батирайни кексайган, касалманд ва оч-юпун ҳолда ўчоққа тикилиб ўтирган пайтда йўқлади. Шеър Маҳмуд ҳолидан Карпат окопларида муз қотиб ётганида хабар олди. Ҳолбуки, у вақтда қуёшдан, дунёдан, ҳаётдан азиз бўлган ёри ўзгага турмушга чиқиб кетганди. Шеър Абутолибни севган кизи Хотимат ундан юз ўгириб ўзгага эрга

туканда, овулма-овул хуржунини орқалаб сарсон юрганида сўроқлаб топди. Шеър Элдарилавл олдига қотил қўлидан заҳар ичиб бўлгандан кейингина етиб келди. Золим Зунти ноиб Анхил Марин оғзини тикишга буюрди, ўшанда Марин энг яхши қўшигини қуйлади. Бу қўшиқ ноиб ҳаловатини ўғирлади, қолган умрида неча марта тўшларига кирди.

Истеъдод, ўзинг айт, кучинг нимада? Сен ўзи нимасан – виждонми, ор-номусми, мардликми ёки қўрқув? Ахир, қўрққан одамлар ҳам қоронғи тунда ёлғиз кетаётган вақтда ўзига-ўзи далла бериш учун қўшиқ айтади.

ИСТЕЪДОД

Сен бахтмисан ёки қулфат, сен муқофотми ёки жазо? Эҳтимол, сен одамлар етолмай қийналишлари учун яратилган гўзалликсан ёки гўзаллик яратиш учун берилган азобсан? Эҳтимол, сен давр ва воқеалар маҳсулисан? Ахир, тошни тоғга урсанг учкун сачрайди. Уруш ҳеч қачон дунёда одамлар сонини кўпайтирмайди, лекин у ердаги қаҳрамонлар сонини оширади.

Мен шеърини нима эканлигини билмаганимдай, истеъдод нима эканлигини ҳам билмаганимдай, улар ҳақида аниқ бир нарса дея олмайман. Лекин баъзан йўлда кетаётганимда, ё уйга қайтаётганимда, ё тушимда (чакмонимга ўраниб ётган бўлсам ҳам), ё ям-яшил майсазорга қадам қўйганимда (худди яшнаётган майсалардан томиримга қон қуйилгандай), ё овқатланаётганимда, ё мусиқа тинглаётганимда, ё сокин оила, ё сершовкин дўстлар даврасида ўтирганимда, ё болаларни кўтарганимда, ё уларга узок умр тилаб дуо қилганимда, ё дўстлар тобтуни елкамда кўтариб сўнгги манзилига кузатаётганимда, ё севгили юзига мамнуният билан тикилганимда тўсатдан ҳаёлимга ажиб, ҳайратланарли, сирли ва қудратли бир нарса келади. Баъзан у ғамгин, баъзан у фараҳбахш бўлади, лекин доим мени ҳаракатга келтиради, сўз айтишга, ниманидир ёзишга мажбур қилади. Улар тақлифиди ва ҳеч қутилмаганда келишади.

У келганда Маҳмуд қўлига пандурини олиб гирдиқапалак бўлади, севги қўшигини охиригача қуйлайди. У келганда Элдарилавл

заҳар томизилган қадахни қўлига олади, Марин ноиб амри билан тикилган лабларидан қон оқса ҳам қўшиқ бошлайди. У келганда Данте, Толстой, Шиллер, Блок, Гёте, Бальзак, Достоевский каби буюқлар ҳам ҳаловатини йўқотади. Баъзан у менга Худонинг туманли зулматни ёриб ўтган ёп-ёруғ нурли тисолидай туюлади.

– Сен ўзи қандай хилқатсан? – сўрайман мен ўша нарсадан.
– Мен сенинг истеъдодингман, сенинг шеърингман.

– Манзилингни айт.
– Мен ҳамма жойдаман.
– Сенинг ёшинг нечада, тенгдошми?

– Э, йўқ, мен мисоли лаҳзаман ёки минглаб асрданман. Менда болаларнинг бегуборлиги, ёшлиқ ғайрати ва кексаларнинг донолиги бор. Мен гулханман, ҳеч қачон сўнмайдиган. Мен қўшиқман, ҳали ҳеч ким охиригача айта олмаган. Мен парвозман, ҳеч ким охиригача учиб етолмайдиган. Мен сендан жуда узокдаман ва сенинг ўзингданман. Мен бахтиёр ва тантанали кунларингда ҳам, қайғули дамларингда ҳам ёнингданман. Мендан осон нарса ҳам, мендан мушкул нарса ҳам бу оламда йўқ.

Агар мен бўлсам, скрипка торининг титрашидан улкан қояларга дарз кетади. Агар мен бўлсам, сурнай ноласини эшитганда тоғ такалари ҳам водийга рақсга тушади. Агар мен бўлсам, қотил қўлидаги қиличнинг ташлайди, севишганлар бир-бирдан қайноқ бўса олишади.

Ёвқур ёри Марямни отда олиб қочганда, мен бор эдим. Жанна д'Арк ўзига эргашган лашкар олдида қилич яланғочлаганда, мен бор эдим. Колумб ёки Магеллан олис сафарга чиқиб учун кемаларнинг елкаларини кўтарганда, мен бор эдим. "Мона Лиза" асари чизилаётган вақтда ҳам мен бор эдим.

Менинг фалсафам майдони – барча даврлар ва бутун қонот. Менинг қаҳрамонларим – одамлар. Одамларда ақл ва қалб бор. Материалдаги барча одамларга муҳаббат ва нафрат, мардлик ва қўрқув, олижаноблик ва айёрлик, фидокорлик ва ёлғончилик, самимийлик ва ғийбатчилик хос хусусиятдир. Одамлар ақли ва қалби – менинг жанг майдоним. Шу майдонда мағлубиятга учрайман, ғалаба қозонаман ва яратувчанликка замин қўяман.

– Унда ҳақиқатни очиб айт: мен нимага ярайман? Эрта-индин эриб кетадиган қорга ўхшаган ҳаракат қилмаяпманми? Менинг

Адабий сабоқлар



қалбимга сенинг сўнмас гулҳанингда учкун тушганми ёки сенинг ширин бўсаларинг тотини лабларим ҳис этганми?

Менинг кўзларимдан қувонч ва қайғу ёшлари оқади. Лекин яна шундай кўз ёшларим ҳам борки, улар овчининг келаётганини сезиб пусиб олган қушлардай қўзимнинг тубига бекинган. Бу бекиниб олган кўзёшлар бири севгидан, бошқаси алмадан, бири бахтдан, бошқаси қулфатдан. Бошимдаги сочим ҳам икки рангда: қора ва оқ. Иқроман, бир оғим ёшлиқда, бир оғим кексалиқда. Кексалиқ ва ёшлиқ, улар ўзаро доимо курашадилар, кураш майдони – менинг қалбим!

Менинг севгим – чинор, унда қўш шох бор, Бири қуриб борар, бири гуллайди. Менинг севгим – бургут, гўё икки сор, Бири парвоз этар, бири қулайди.

Менинг қалбим қийнар икки жароҳат, Бирдан қон оқар, бири битида. Умрим бўйи шундай: навбатма-навбат, Гоҳ қувонч, гоҳ қайғу қўлим тутайди. Одамзотнинг умри чегараланган. У жуда қиска, лекин орзулари чегара билмайди. Мен йўлдаман, орзуларим эса уйда. Мен севгили билан сайр қилаяман, орзуларим эса ёрим билан тотли висол кучоғида. Мен шу кунда яшайман, орзуларим эса бир неча йиллар илгари кетган. Орзулар одамзот умр риштаси ўзиладиган чегаралардан ҳам ўтиб кетади ва асрлар оша учаверади.

Рус тилидан Асрор МЎМИН таржимаси.

Китобингизни ўқидим

Ёзувчи Гафур Шермухаммаднинг “Марди майдон” номли китобини ўқигач, калбимни ажиб ҳиссиётлар чулғаб олди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Кўп йиллардан буён юртдошларимиз адабнинг асарлари асосида суратга олинган фильмларни севиб томоша қилиб келади. Кўпчилик “Чавандоз”, “Қудук”, “Баракасини берсин” каби фильмларда ўзини, яқинларини кўрганни таъкидлашди. Менинча, ушбу киноасарларга берилган энг катта баҳо шу бўлса керак.



қўшилмасиз, унинг гапи ҳақ эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Бундан беш-олти йил бурун ижодкорнинг “Йўлбарсинг юрагини еган киз” деб номланган очерки “Ёшлик” журналыда чоп этилди. Унда Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида истикомат қилаётган Манзура Ер-ниязованинг тақдири қаламга олинган, бу муштирап аёл ҳаётининг оғир синовларида тобланиб, кўпчиликка намуна бўлаётганига ургу берилган эди. Рост, бошига тушган оғир кулфатларни жасорат ва матонат билан енгиб ўтиб, ҳаётини изга қўйган ментин бардошли аёлнинг жасоратини кенгрок аудиторияга кўрсатишнинг

БЕПОЁН ДАШТДА ҚУЛОЧ ЁЗИБ...

Ижодкорнинг ушбу салмоқли тўпламида бешта кинокисса ва ҳикоялар жамланган. Бундан бир неча йил муқаддам муаллифнинг “Қудук” киссаси “Шарк юлдузи”, “Баракасини берсин” киссаси ва “Таъзиядаги тўй” драмеси “Ёшлик” журналларида чоп этилган. Эътиборлиси, ана шу асарлар кейинчалик элга манзур фильмларга адабий асос бўлди. Ёзувчи асарларида адабиётнинг асосий вазифаси бўлган инсон калбини тадқиқ этади, қахрамонларнинг руҳий изтиробини ва қувончларини орқали замон нафасини ифодалашга интилади. Хусусан, “Қудук”ни ўқиган ёки кисса асосида суратга олинган фильмни томоша қилган киши беихтиёр мустабид тузум даврида яшаган хокисор инсон – Лаллайнинг изтиробларини юракдан ҳис этиб, у билан руҳан дардкаш, гамдош, дўст-биродар тутинади. Аникрок айтганда, Лаллай ижтимоий мавқеи жиҳатдан кичкина одам, бироқ инсоний мезонлар билан ўлчанганда улкан қалб эгасидир. У ҳеч қачон ўзгаларнинг юзига тик қарамайди. Аммо бошқалар тилини тишлаб қолган паллада у: “Бу одам киёматда даъво қилса, нима деб жавоб берасиз, амаки?” деб айта олади. Лаллайнинг ботирлиги, довжорлиги, жасорати тилида эмас, балки унинг руҳидадир. Шу боис Лаллай, яъни Элмурод амакининг чинакам маънода катта одам эканини момақалдирак гумбуралагандек, азият чакангаддек фавкуллода вазиятдагина англаймиз.

Киссада тасвирланган Турдикул, Санжар, Амир, Бахтиёр каби кимсалар аждоқларнинг қабри топталса ҳам пинагини бузмайди, бироқ ана шундай вазиятда Лаллайнинг инсоний фазилатлари яққол намоён бўлади. Ёзувчи шу тарихи дину диёнатини нутуган одамлар жамиятдаги кўплаб иллатларнинг бошида туришини, ўзгаларнинг мусибатидан ҳам ўзининг ҳавоий нафси, беъмани максаллари йўлида фойдаланиб қолишга интилишини маҳорат билан кўрсатади.

Камина “Ўзбекфильм” киностудиясининг адабий сценарийлар тайёрлаш тахририятда бир мuddат киночиқар билан бақамти ишлаганман. У ерда эндигина иш бошлаган кезларимда “Қудук” фильмининг суратга олиш ишлари якунланди, пардозлаш, овоз ва мусика ёзиш жараёни кечаётган экан. Режиссёр Мансур Абдухаликов бош муҳарриримиз, таникли ёзувчи Мурод Мухаммад Дўст, режиссёрлар Жаҳонгир Қосимов ва Баҳодир Одиловдан фильмнинг хомаки нуҳасини назардан ўтказиб беришларини илтимос қилди.

Мен ҳам уларга эргашиб монтаж хонасига кирдим. Фикр-хаёлим: “Режиссёр бу гўзал киссанинг моҳиятини томошабинга тўла-тўқис етказиб бера олармикан?”, “Дашт одамларининг ўзига хос табиати, чапанилиги ва тангиллиги фильмда кўриндимикан?”, “Лаллай образини ким ўйнади экан?” деган саволлар билан банд эди. Негаки, киссани илк бор ўқиган пайтларимизда тўлқинланди, бир-икки тенгдошларим билан асар ҳақида ўзаро обдон бахслашган эдик.

Экранда нимкоронги қудуқнинг ичида тўпрук қовлаётган Лаллайнинг киёфасини аниқ кўриб бўлмасди. Бироздан сўнг қудуқ тубидан актёр Мухаммадсоз Абулхайировнинг “амаки” деган синик овози эшитилди. Очиги, мен режиссёрнинг бун-

дай қутилмаган танловдан хайрон бўлдим. Чунки шу пайтгача бу санъаткорни асосан комик роллар устаси деб билар эдим. Лаллай эса қалбидаги изтиробни кўзларидаги мунг орқали кўриниб турадиган дардчил қахрамон.

Хуллас, фильмни охиригача томоша қилдик. Тафсилотларини гапириб ўтирмайман, аммо янги киноасар менда яхши таассурот уйғотди. Устозлар фильм режиссёрига тавсиялар беришди.

– Мурод ака, фильм ёмон эмас-а? – деб сўради Баҳодир Одилов эҳтиёткорлик билан. Жаҳонгир Қосимов ҳам у кишига кизиккиш билан қараб турарди.

– Бунақа гаплар фильм тақдиротидан сўнг айтилган маъқул. Хозирдан мактасак, ижодий гуруҳ талтайиб кетиши мумкин. Умуман, дашт одамлари, уларнинг ҳаёти яхши тасвирланган. Энг муҳими фильмда... – деб томоқ кириб олди-да, яна гапини давом эттирди адибимиз, – қахрамонлар ҳам одамга ўхшаб гаплашса бўлар экан-а, Жаҳонгир.

Муҳаррирнинг ижодий гуруҳи ишдан қаноат ҳосил қилгани сезилиб турарди.

– Бир суҳбатда узок қишлоқлардаги кўпчилик ётган тупрок йўлларда чопиб улғайган, оёғига янтоқ кириб, шийда тилган ёшлар кинога кириб келса яхши бўларди, деган эдингиз, – дедим устозга.

– Ўша суҳбатда Эски шаҳарда, Хастимом атрофидаги маҳаллаларда ҳовли-жойи бир-бирига қапишиб кетган хонадонларда ўсанларни ҳам тила олган, – деб тўлдирди Жаҳонгир ака.

– Ха, шундай гап бўлган. Бундай ёшларнинг ҳаётга назари бошқача бўлади. “Қудук” – Гафурнинг назари. У дашт ҳаётини, дашт одамларини яхши билиши сезилиб турибди.

“Қудук” фильми катта экранларга чиққач, муаллифнинг “Баракасини берсин” кинокиссаси қўлимизга келиб тушди. Бу асар киностудия тахририятда ишлайдиган ижодкорларга шунчалик ёқиб қолдики, ёзувчи Зулфия Қуролбой кизи билан уни қайси режиссёр суратга олиши кераклиги ҳақида кўп бора бахслашганмиз. Чунки асарни экран тилига кўчирадиган режиссёр юморни ҳис қилиши, бунинг устига, қишлоқ одамларининг табиатини яхши билиши керак эди.

Шу маънода, Жиззах вилоятининг чекка қишлоқларининг бирида туғилиб ўсган актёр ва режиссёр Фарҳод Худойбердиевнинг бу асарга режиссёр этиб тайинлангани ҳам ҳар жиҳатдан ўринли бўлди. Фильмнинг жамоатчилик кўригидеги иштирок этган атоқли режиссёр Шухрат Аббосовнинг: “Бу фильм соф ўзбекча руҳи билан эътиборни тортади. Асарда тасвирланган гаройиб воқеалар замирида халқимиз табиатига хос ҳалоллик, бағрикенглик сингари фазилатлар буй кўрсатиб туради. Бугун ўзбек кино санъатига мана шундай фильмлар яратишга қодир бўлган маҳоратли ижодкорлар жудаям зарур”, деган фикри ижодкорлар меҳнатига берилган холис баҳо эди.

Санаёт арбобининг бу эътибори ёзувчининг биргина асарига нисбатан айтилган фикр эмас, балки бутун ижодининг ўқилдиғига берилган таърифдир, десак адашмаймиз. “Чавандоз”ни оласизми, “Қудук” ёки “Тенгиз”ними, таникли режиссёрнинг қарашларига

ижтимоий заруриятлари бор эди. Шу боис ёзувчи Орол денгизининг қуриши оқибатида Мўйноқда юзага келган гамгин муҳит орқали қахрамоннинг орзу ва интилишлари, қувонч ва қайғулари таъсирчан ифодаданган “Тенгиз” кинокиссасини эзди.

Қолаверса, публицистика – турмушнинг кўзгуси, агарда адабий асар ундан озикланса, ҳаётининг янада ортади. Бу фикрга адабиёту санъатдан қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Шу боис “Тенгиз” фильмининг халқимиз илик қутиб олди. Назаримда, ушбу картина муваффақиятининг яна бир сирини ёзувчининг қорақалпоқ халқига, унинг тили, адабиёти ва санъатига меҳри билан экани билан боғлиқ бўлса керак. Бу муҳаббатни адибнинг таникли қорақалпоқ ёзувчиларининг қўлаб салмоқли асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ўғирганида ҳам кўришимиз мумкин.

“Чавандоз” фильмининг мантқиқий давоми бўлган “Марди майдон” кинокиссасида тўғрилик, ҳалоллик, мардлик каби инсоний фазилатлар кишининг ёши улғайган сари янада сайқалланиб, одамни нуранлириб бориши Тошмурод полвон сиймосида кўрсатилган.

Бугун юртнинг қир-адирларида, дашту далаларида кўпқари-улоқ ўйини алоҳида бир байрам, эл-улуснинг сайли сифатида ўтадики, беихтиёр: “Чухо, отамнинг Ғироти...” деб юборасиз. Бундай давраларда суҳбатлар қилиб, от устиде кексаган нурунийлар мардлар майдонининг қахрамони Тошмуродга ўзларини менгзайди. Янги кинокиссасида ёзувчи ана шундай танти ва содда инсонларнинг яхлит сиймосини гавдалантирган.

Ўйлаيمانки, ушбу асар қишлоқ ҳаётини, улқочларнинг турмуш тарзини яхши биладиган, фольклор оҳанглари хис қиладиган режиссёрнинг қўлига тушса, яна бир ажойиб фильм суратга олинади.

Комедия – мураккаб жанр. “Таъзиядаги тўй” асарини ўқиб, Гафур Шермухаммад ана шундай инжик жанрнинг нозик талабларини маҳорат билан урдалаганига амин бўлдим. Аслида, исрофгарчилик, ўзбилармонлик, бошига оғир мусибат тушганда ҳам манманлик қиладиган қалтабин ва жоҳил одамлар мағбуоту адабиёт учун бегона эмас. Вақтида улугъ жаҳид боболаримиз, хусусан, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Мунавварқори Абдурашидхонлар ҳам шу ҳақда афеус ва надомат билан ёзиб, эл-улусни бундай номаъқул ишлардан тийилишга даъват қилишган. Ёзувчи орадан ўз йилдан мўлроқ вақт ўтган бўлса-да, маърифатпарвар аждоқларимизни безовта қилган иллатлар ҳамон барҳам топмагани, аксинча янада чуқурлашиб бораётганини истехзоли кулги орқали кўрсатади. Қўлгики, аччиқ ва тахир, аламли ва изтиробли...

Мен Гафур Шермухаммаднинг кинокиссалари ва ҳикояларини ўқиб, бадиий матн замирида гоҳ бегубор юмор, гоҳ аччиқ киноя оҳанглари жиллованиб туришини сездим. Яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ёзувчи сўзамолликдан ўзини тияди. У ўқувчининг кўз ўнгига воқеликни жоңлантириш орқали ўзини ўйлантираётган муаммоларни кўрсатиб беришни истаиди ва буни маҳорат билан урдалайди.

Нурилла ЧОРИ

ПОКИЗА ЙЎЛНИНГ ЙЎЛОВЧИСИ

Устоз Наим Каримов Мирозиз аканинг “Йўлбарсинг юрагини еган киз” номли китоби ҳақида телефонда яхши фикрларни билдирдилар:

– Мен китобни варақлаб ўқидим. Ҳозирча батафсил кўчиқкишга имконим йўқроқ. Лекин биринчи таассуротим жуда яхши. Одатда, аксарият одамлар сайру саёхатга борадими, йиғинларга борадими, кўпроқ нималарнидир кўришга, нималарнидир аналлашга ҳаракат қилишади. Уларнинг орасида дўконга чопанлари ҳам бўлади. Лекин Мирозиз қаерга борса, қундалик тутиб, кўрган-билганларини ёзиб борибди. Айниқса, туркий тилли давлатларнинг шеърят байрамлари ҳақида жуда қимматли маълумотлар тўплаган. Ҳар бир иштирокчи қаердан, маълумоти, қандай асарлари бор, ижодидан намуналар... Бу – жуда катта меҳнат. Мирозизни анчадан буён бетоб деб эшитаман. Лекин адабиётимиз учун тўрт мучаси соғ одамлар қатори хизмат қиляпти. Гапларимни етказиб қўйинг.

Мен устознинг фикрларини оширмай ҳам, қамайтмай ҳам Мирозиз акага етказдим. Улар ҳам жуда суюндилар.

“Йўлбарсинг”, дарҳақиқат, яхши китоб. Фақат бир “айбобиниси” бор – ҳажми каттарок. Мен илк бор китобни қўлимга олганимда:

– Сабр-тоқатли кексалар бир амаллаб ўқишар-қу-я, лекин “лип-лип” ўтиб кетадиган телефондаги ёзувга ўрганган ёшларнинг ўқишга бардошлари етмаса керак, – дегандим. Аксинча, Ёзувчилар уюшмасининг сайтида китоб босмадан чиққани ҳақида хабар берилганидан сўнг бир неча ёшлар кўнғирок қилиб, “Йўлбарсинг”ни қаердан олиш мумкинлиги ҳақида сўрашди. Бу кўнғироклар ҳам биз учун ёқимли бўлди ва китоб ҳақида ёзгим келди.

“Йўлбарсинг” уч китобдан иборат. Биринчи китоб минг тўққиз юз эллагинчи йиллар воқеаларидан, яъни муаллифнинг еттинчи синфда ўқиб юрган даврдан бошланади. Барча воқеаларда Мирозиз ака иштирок этган бўлса-да, лекин асосий қахрамон ўзи эмас, давр, унинг одамлар ҳаётидаги инъикоси.

“...7-синфда ўқийётган йилимиз ноябрь ойида бизни Тошкент вилоятининг Кўктерек даҳаси томонида Собир Раҳимов номли ўхжа-ликка пахта теришга олишди...” Бу – “Йўлбарсинг”нинг илк жумласи. Бир-икки сатрдан сўнг бутун юрт қатори ўсмир ёшида “пахтакор” бўлган болаларнинг жойлашган хонадонининг тасвири кетади. “...Ерига эски шолча тўшалган... Тур томонда устига қўрпа ёпилган бир сандал, тепасида одам бўйи етгадиган қилиб бир еттинчи, керосин билан ёнадиган чирок осилган. Чирок бир липпаққа ўрнатилган. Липпақ уч томондан сим билан тепага тортилган. Липпақда чирок ёнида бир гугурт ҳам бор. Уйнинг икки деразаси ва бир тоқчаси бўлиб, тоқчада чойнак ва беш-олти пиёла...” Кўриб турганингиздай, ғарибгина бир оиланинг бошпанаси. Лекин шу бошпанана ҳам даврнинг сиёсати хўжайин. Муаллиф бу фикрни оқ-қорага ажратиб, таҳлил қилиб ўтирмайди. Воқеаларнинг ўзини гоҳ баён, гоҳ диалоглар орқали беради:


– Бу бир колхозчининг уйи... Ҳеч қаерига зиён-заҳмат етказмай ўтиринлар. Райкомнинг буйруғи билан сизларга бўшатиб берди, ўзлар анови кичик хужрага қўчиб ўтишди”.

Ўқитувчининг болаларга тайинлаётган гапининг ўзи қўп

нарс ҳақида тасаввур бериб турибди. Ортиқча гапга изоҳ бўлма-са керак.

Муаллиф ўсмир болаларга хос шўхликлари, ўзаро ҳазил-хузуллари, бир-бирига қўйган лақаблари ҳақида кизикарли ҳикоя қилар экан, даврнинг одамлар тақдирига босган ноҳақ тамгалари, улар орқасидан келган изтиробларни ҳам четлаб ўтмайди.

Мирозиз ака талабалигида уч-тўртта курсдоши билан ҳаваскор альпинистлар қатори Помир-Олоё тоғларига чиққаниди. Йўл-йўлақай қўриб борилган Янгийўл, Чиноз, Сирдарё, Қўқон, Шохимардон манзаралари, чойчо-



налар, ўзбекча одатлар тасвири, табиат, қушлар, гулу гнэхлар ҳақида маълумотлар...

“Тегрангизни кузатсангиз, дунёда бундан-да хушманзара ерлар борлигига ишонгиз келмайди. Қани мен расом бўлсам шу кўри-нишларнинг тасвирини бера олам, деган хаёлга ҳам борасиз...” “Бир ерда қоқиқларнинг ўз момақай-моқларини кўкка уфуратганини кўрсангиз, бир ерда мойчечаклар ва ё ерларда рақс тушаётган чаканда чечакларини кўрасиз...”

Муаллиф бундай хайрату завқлар аро вужудига сут билан қирган азалий принципларидан бутунлай узоклашиб кетмайди. “Мана юк машинамиз “Альпинистский лагерь Урожай” деб ёзилган каттагина тахта ёнидан ўтиб, тўхтадик. “Ҳосил альпинистлар лагери” деган ўзбекча ёзув ҳам бўлиши керак, деб ўйладим...”

“Бу ер Ўзбекистон бўлса, нима учун бизга путёвқалар чекланган? Ўша лагерга борувчиларнинг тўксон физи ўзбек бўлиши керак эмасми?”

Биринчи китобдан ўқувчилик, талабалик хотирларидан ташқари, талабаликда, Байрамалидаги ҳарбий машқлар, университетни биттириб, ишлаб бошлагандан кейинги шоир сифатидаги Гуржистон, Молдава, Татаристон ва Озарбайжон, Москва сафарлари ҳақидаги таассуротлари ҳам ўрин олган.

“Йўлбарсинг”нинг иккинчи китобига Мирозиз аканинг катта лейтенант (Университетда ҳарбий таълим олишган-ку, ҳарбий машқларга ҳам шунинг учун бо-ришган) сифатида ўтган асрнинг охиридаги афғон урушидаги иштироки билан боғлиқ хотиралар киритилган. Муаллиф ўзи билан бирга бу босқинчилик урушида иштирок қилган инсонларни холис бир нуктан назар билан таърифлайди. Одам ажратмайди, дину миллат ажратмайди.

Мен иккинчи китобдан фақат парчалар келтираман. Уларда муаллифнинг бу адолатсиз урушга муносабати ҳам, уруш қатнашчиларининг қайфияти ҳам яққол намоён бўлган.

“...Бу аскар ўзи насроний экан-у, эътиқодига қўра, урушга

қаршилиги ҳақида лашкар бошлиғига баёнот бериб: “Мен ҳеч кимнинг юртида ҳеч ким билан жанг қилмайман, одам ўлдирмайман”, дебди. “Сен армияда хизмат қилганингда Ватан ҳимояси учун жонингни аямаслигинг ҳақида қасамёд қилгансан, энди ўтмайди бу қилиқларинг”, дейишибди. “Мен Ватан ҳимояси учун жон беришга қасамёд қилганман. Бировлар юртига бостириб киришга эмас. Мен афғонларга ўқ отмайман”, деб қичиб кетибди. Офицерлар унга қарши чора қўриш ҳақида бир қарорга келганларича, у ўзининг жо-нига қасд қилибди”.

“Ошхонадан чиққан ўндан ор-тиқ рус аскарлари бир-бирига нон отар, нонни копток қилиб тепи-шарди. Чеккароқда эса икки сол-дат нон билан этикларини арти-шарди...”

...Икки кичкинтой, етти-саккиз яшар, қора-қура, бурни оққан, эн-гиллари юпун, қора чопон, қалиш қийган бола қўлида халта, қопчиқ, сочилиб ётган нонларни териб ей-ишар ё халталарига йиғишарди. Атрофга олазароб бўлиб қарар, нон кўринса қопиб бориб ивиған, лой-ли нонни енгларида артиб, тўрвага солишарди. Қўзларимдан ёш қичиб кетди”.

“Йўлбарсинг”нинг учинчи китоби асосан туркий тили давлатлар адабиётининг турли мамлакатларда ўтган шеърят байрамларига, яна шу давлатларда ўтган долзарб мавзудаги симпозиумларга бағишланган. Бу анжуманларга шоир-нинг ҳар галги сафарининг ўзи бир романга мавзу бўларли воқеа. Сиз умрида биринчи марта кета-ётган Туркияда давлатга фақат қўлида борш-қелиш чиптаси билан, бир долларсиз, бир лирасиз кетган афандини эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз, мана шу китобни ўқинг. Энди мустақилликка эришган қулларимиз. Узоқ йиллар бошимизда ўтирган империянинг баъзи қорчаларининг алами ичида. Улар Туркияга учаётган шоирнинг пули(рубл)ни долларга ай-лантириб бермайди.

– Мустақил бўлдиларинг, Тош-кентингда алмаштириб кел эди, – дея кесатади.

Шу тарзда Мирозиз ака Туркияга учиб кетади. Симпозиумга уч кун кечикиб боради. Лекин янги танишган дўстларнинг беминнат ёрдами туфайли симпозиумда иштирок этади, маъруза қилади. Энг муҳими, туркий миллатлар қатори симпозиум минбаридан Ўзбекистон овози ҳам янграйди.

Асардан йўл таассуротлари, учрашувлари, ўқилган шеърлари, сўзланган нутқлари, ҳар бир ишти-рокчи ҳақида батафсил маълумот-лар, уларнинг ижод намуналаридан таржималар, ҳатто тор доирада ўтган суҳбатларнинг мундарижа-си... Тўғриси айтиш керак, жуда катта меҳнат, меҳнатгина эмас, заҳмат...

“Йўлбарсинг”да юзлаб жой ном-лари қайд қилинади. Қўния, Жало-лиддин Румий ҳазратлари зиёрати, Шонли Уфа, Мармар денгизи соҳиллари... Муаллиф билан бирга сатрларда кезсангиз, фақат адабий эмас, тарихий, жуғрофий билимларингиз ҳам ошади.

Ҳар қандай китоб ҳақидаги маълумотлар китобнинг ўзи бўлмайди. Яхшиси, “Munir” нашриётда чоп этилган “Йўлбарсинг” китоби-нинг ўзини ўқиш керак. Шунда ха-миша юраги халқ, миллат юрагига ҳамнафас урган бир ижодкорнинг ички кечинмаларига ошно бўласиз.

Қўлибека РАХИМБОВА

Китобингизни ўқидим

Шундай ижодкорлар бўладики, улар газета ёки журнал саҳифасида ҳаётда кўрган-кечирган, ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни қандай бўлса, шундайлигича акс эттиришади. Бу журналистик ёхуд публицистик ижод дейилади. Бадний ижоднинг йўриги эса бўлак, унда қаҳрамон ва унинг атрофидагилар билан ўзаро боғлиқ воқеалар, зиддиятчи ҳолатлар бирмунча ҳиссиётли тарзда ҳамда бадний тўқималар, кизиқarli тафсилотлар асосида акс эттирилади.

Таникли публицист, узоқ йиллар республика ёшлар газетасида фаолият юритган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мукаддас Абдусаматова биринчи турдаги ижодкорлар сирасига қиради. Қутлуғ ёшида ҳам қўлидан қаламни қўймай ижод қилиб келаётган бу иқтидорли журналист ва шоиранинг ақлида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшма-

ниятининг қучилиги, оилапарварлик каби фазилатларини ўзига хос тарзда акс эттирган бўлса, “Чинга айланган эртақ” очеркида физика-математика бўйича таникли олим, профессор Ғанижон Икромовнинг илм-фан йўлидаги фидойилиги ҳақида самимий ёзади.

“Бунча ширинсан, ҳаёт” очеркида эса, таникли шифокор Роза



чи Шароф Рашидов билан ёшлар газетаси тахририятидаги учрашув ширин хотиралар асосида қоғозга туширилган. “Фидойилик тимсоли”да умрини газета ишига бағишлаган инсон, ташаббускорлиги билан кўпчилика ибрат бўлган Жўра Саъдуллаевнинг маҳорати, жамоадаги ўрни ҳақида кизиқarli фактлар билан танишасиз.

Тўпламнинг “Воқеий ҳикоялар” бобида М.Абдусаматова ўзи ҳаётда кўрган турли касбдаги одамлар билан мулоқотлари, уларнинг феъл-атвори ҳақида тўлиб-тошиб, жўшиб ёзган. “Очилмай қолган кўз”да таникли кўз шифокори Шухрат Ғуломовнинг ёшлигида ташлаб кетган отасининг кўзини тасодифан операция қилиш жараёнидаги рўй берган воқеалар, ёшлик хотиралари таъсирчан тасвирланган.

“Нон ҳиди” номли ҳаётий ҳикояда Ватан, она ер кадри, халқимизга хос меҳр-оқибат, ажойиб урф-одатлари Лаълихон

кизиқarli воқеаларни мароқ билан ҳикоя қилади.

Тўпламдаги очерк, ҳаётий ҳикоя, хотиралар муаллиф ҳаётдаги кийин, машаққатли йўллари босиб, ижод синовларидан қандай ўтганини яққол кўрсатиб турибди. Бу ижод намуналарининг ҳар бирида юрак кўрининг иссиқ тафти сезилади. Шифокорлар ҳақидаги очеркларни ёки санъаткорлар ҳақидаги лавҳаларни ўқиганда ўқувчи ушбу соҳалар фидойилари билан ёнма-ён тургандек сезади ўзини. Баъзи қаҳрамонларнинг ҳаётда қийналиб, азият чекканидан беихтиёр ўйга толсангиз, айрим молпараст, кўзини шира қоплаган кимсаларнинг кирди-корларидан нафратланасиз. Бу эса китоб муаллифининг узоқ йиллар давомида шакланган ўзига хос ёши маҳорати, ижодда эришган бой тажрибасида далолат бериб турибди.


Ҳозирги пайтда дунё миқёсида глобаллашув жараёни кучайиб, ахборот манбалари

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН РАССОМЛАР ТАЛҚИНИДА

Рангтавирда рассомлар эътибор қаратиши мумкин бўлган мавзулар даврида миллий қаҳрамонларни улуглаш, кадриятларга замонавий руҳда мурожаат қилиш, бадний меҳораси ўз асарларида талкин этиш рассомларни кўпроқ кизиқтира бошлади. Шундай мавзулардан бири улуг мутафаккир Алишер Навоийнинг “Хамса” туркумидан жой олган “Лайли ва Мажнун” достонида. Мутафаккир томонидан битилган ушбу асарда нафақат инсоний муҳаббат, балки сўфийлик таълимоти, илоҳий ишқ куйланади. Айтиш жоизки, Мир Алишер Навоий асарлари уларда тасаввуф ғоялари барчага тушунарли тарзда етказиб берилгани билан мумтоз адабиёт меҳорасида алоҳида ўринга эга. Айнан Лайли ва Мажнун образлари орқали нафақат илоҳий, балки ижтимоий ҳақиқат ва унга эришиш мавзуси куйланади. Мажнун араб афсоналарида Қайс номи билан юртилади. Бу номни эшитганимизда беихтиёр саҳродаги дарвешона образ кўз олдимизда гавдаланади. Аксарият рассомлар талқинида ҳам Мажнуннинг саҳродаги ҳолати тасвирланади. Бу дoston билан боғлиқ ҳолат бўлиб, Лайлининг отаси Мажнунни рад этганидан сўнг у одамлардан кўнгли совиб, ёлғизликни истаб саҳрога равона бўлади. Саҳро тасвирий санъатда, тасаввуф ғояларига кўра, Аллоҳга етишиш маъносини англатади. Кўплаб рассомлар айна шу ҳолатни талқин этишган. Улар орасида Собир Раҳметов (“Мажнун”), “Шарқ оханглари” туркумидан, Баҳодир Жалолов (“Мажнун саҳрода”), Чингиз Аҳмаров (“Лайли ва Мажнун”), Акмал Нур (“Қайс”, учлик), Раҳмон Шодиев (“Лайли ва Мажнун”), Акмал Икромжонов “Севишганлар” (Лайли ва Мажнун), “Чўмилаётган Мажнун”, “Учрашув” (Лайли ва Мажнун) каби кўплаб асарлар бор.

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”ни ўз ижодида талқин этган мусаввирлардан бири беназир рассом Чингиз Аҳмаровдир. У ижоди давомида Навоий меҳорасига кўп мартаба тўхтади. Ҳали-хануз Навоий асарлари ҳақида гап кетганида, биринчи навбатда, Чингиз Аҳмаров яратган бадний образлар кўз олдимизда гавдаланади. Мусаввир чинакамига Навоий шинавандаси бўлиб, бу унинг ижодий йўналиши, услубияти айланаб улгурган эди. Унинг “Хамса” достони таркибига кирувчи “Садди Искандарий”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъан сайёр”, “Баҳром Гўр ва Дилором” асарларида ишлаган рангтавир намуналарини кўздан кечирар экансиз, гўё рассом ва бадний асар муаллифи шەрий мисраларни ҳаммуаллифликда яратгандек туюлади.

Chingiz Akmarov: "Layli va Majnun". 1947



Рассом ҳар бир бадний асарга идеал равишда мос ва хос сюжетлар ҳамда қаҳрамонларни топа олган. Қарийб ярим асрдан ортқ ижодий фаолиятида Чингиз Аҳмаров юзлаб нодир асарлар яратди. И.Грабар ўзининг архитектуравий лойиҳаси бўлган Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрининг ички қисми деворларига бадний безак бериш учун қобилиятли рассом кидираётган А.Шүсүевга рассом Ч.Аҳмаровни бежиз тавсия этмаган. Чунки Чингиз Аҳмаров навоийшунос рассомлардан бири эди. Унинг сюжетларида лирика, мусика ва рақс сирлари умумлашарди. Рассом ҳар бир асарни кунт билан ўқиб чиқар, воқеалар ва деталларга синчковлик билан қарарди.

Рассом Акмал Икромжонов ижодида ҳам Мажнун образи ўзига хос талқинини топган. Унинг “Севишганлар” (Лайли ва Мажнун) каби кўплаб асарлар бор. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”ни ўз ижодида талқин этган мусаввирлардан бири беназир рассом Чингиз Аҳмаровдир. У ижоди давомида Навоий меҳорасига кўп мартаба тўхтади. Ҳали-хануз Навоий асарлари ҳақида гап кетганида, биринчи навбатда, Чингиз Аҳмаров яратган бадний образлар кўз олдимизда гавдаланади. Мусаввир чинакамига Навоий шинавандаси бўлиб, бу унинг ижодий йўналиши, услубияти айланаб улгурган эди. Унинг “Хамса” достони таркибига кирувчи “Садди Искандарий”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъан сайёр”, “Баҳром Гўр ва Дилором” асарларида ишлаган рангтавир намуналарини кўздан кечирар экансиз, гўё рассом ва бадний асар муаллифи шەрий мисраларни ҳаммуаллифликда яратгандек туюлади.

Рассом ҳар бир бадний асарга идеал равишда мос ва хос сюжетлар ҳамда қаҳрамонларни топа олган. Қарийб ярим асрдан ортқ ижодий фаолиятида Чингиз Аҳмаров юзлаб нодир асарлар яратди. И.Грабар ўзининг архитектуравий лойиҳаси бўлган Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрининг ички қисми деворларига бадний безак бериш учун қобилиятли рассом кидираётган А.Шүсүевга рассом Ч.Аҳмаровни бежиз тавсия этмаган. Чунки Чингиз Аҳмаров навоийшунос рассомлардан бири эди. Унинг сюжетларида лирика, мусика ва рақс сирлари умумлашарди. Рассом ҳар бир асарни кунт билан ўқиб чиқар, воқеалар ва деталларга синчковлик билан қарарди.

Рассом Акмал Икромжонов ижодида ҳам Мажнун образи ўзига хос талқинини топган. Унинг “Севишганлар” (Лайли ва Мажнун) каби кўплаб асарлар бор.

ШИРИН ҲАЁТТИ НАШИДАСИ

си хомийлигида “Бунчалар ширинсан, ҳаёт” номли китоби чоп этилди. Тўпلام очерк, хотиралар, мақола, ҳикоялар, шёърлардан таркиб топган.

Китобни ўқирканмиз, пойтахтимиз марказига кўрк бағишлаб турган соат ўрнатилган балид бино, 1975–1990 йиллар оралигида газеталар тахририятларидаги кизгин, жўшқин жараён, фидойи журналистларнинг сиймолари кўз олдимизда гавдаланади. Биз ҳам ўша серзавк, бетакрор талабалик давримизда “Ўзбекистон овози”, “Ёшлар овози”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарида мақолаларимиз билан қатнашиб, Мукаддас опа китобларида кнёфалари бор бўйича мохирлик билан акс эттирилган, қалби қайноқ, юзларида меҳр балкиб турган журналистлар, адиблар билан мулоқотда бўлганмиз, ижод йўлида устозларнинг қимматли маслаҳатларини олганмиз.

Китобдаги очерклар қаҳрамонлари олимлар, шифокорлар, қурувчи, санъаткор ва бошқа касб эгалари. “Қалби мунаввар инсон” очеркида муаллиф таникли олим, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг бағрикенг инсонлиги, ички мада-

Алчинбоевнинг қийин кечган умр йўллари ҳақида мароқли ҳикоя қилинган. “Мозий билан суҳбатдош”да таникли археолог олим Баҳодир Турғуновнинг илм-фан йўлидаги фидойилиги ҳаётининг турли лаҳзалари тасвири орқали кизиқarli акс эттирилган. “Юрак зарғари” очеркини ўқиган китобхон беихтиёр унинг қаҳрамони шифокор Миржалол Зуфаров билан ёнма-ён туриб, жарроҳлик амалиётини ўтаётгандек бўлади гўё.

Китобнинг “Яхшилар ёди” бўлимида муаллифнинг турли йилларда ёзган хотиралари жой олган. “Серфайз хонадон”да истеъдодли хонанда Мухриддин Холиқов ҳақида батафсил ҳикоя қилинган бўлса, “Тановор”ни соғиндим”да ўзбек рақсининг маликаси Мукаррама Турғунбоевнинг санъат йўлидаги фидойилиги кўрсатиб берилган.

Муаллифнинг таникли адиб Ўлмас Умарбеков билан уюштирган интервьюси билан танишар экансиз, ажойиб суҳбатдошнинг ҳаётни қанчалик севиб яшагани, фақат яхшиликни соғиниб ижод қилганига гувоҳ бўласиз. “Тахририятдаги учрашув”да таникли давлат арбоби, иқтидорли ёзув-

Ҳаёти мисолида кўрсатиб берилган. Бой, бадавлат, ҳамма нарчаси етарли бўлса-да, бир гуруҳ дугоналарининг ҳазил-хузул гапларига кириб, ишлаш учун Америкага борган Лаълихоннинг маҳалласидаги нонвой Фарида холянинг ёпган нони хидини кўмсагани, маҳалладошларини соғингани ишонarli тарзда кўрсатиб берилган. Китобнинг ушбу бобидан кенг омма, айниқса, келажакимиз яратувчилари бўлган ёшларни яхшиликка, эзгуликка қорлайдиган бадний адабиёт, видеофильм, публицистик асарлар яратиш, катта аудиторияга тақдим этиш долзарб вазифадир. Иқтидорли журналист М.Абдусаматованинг “Бунча ширинсан, ҳаёт” китобида ҳикоя қилинган турли касбдаги фидойи инсонларнинг ҳаёт йўллари, ибратли ишлари, эли, юрти, халқининг бахти, иқболи йўлидаги саяё-харакатлари ҳар бир ўқувчи, шунингдек, ёш авлод учун намуна бўла олади. Мазкур тўпламдаги асарларининг қимматли жиҳати, тарбиявий аҳамияти шундадир.

Китобнинг “Умримнинг олтин саҳифалари” қисмида Мукаддас опа ёшлик йилларини хотирлайди. Ўша пайтларда Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Шухрат сингарии устозларнинг меҳр-оқибати, Ёзувчилар уюшмасидаги ижодий бахслар, мунозарлар, бўлиб ўтган

ЮРТИМ СИЙМОЛАРИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон халқ рассоми Рустам Худойбергановнинг “Юртим сиймолари” деб номланган кўргазмаси очилди. Экспозициядан муаллифнинг олтишдан ортқ портрет ва тарихий жанрга доир асарлари ўрин олган. Кўргазмадаги портретлар тарихий жиҳатдан бир-бирини тақрорлама-са-да, қаҳрамонларнинг нигоҳлари, либослари бир-бирини тўлдирди. Рассомнинг ранг танлаш маҳорати таҳсинга лойиқ. У тарихда қандай ранглар урф бўлганини чуқур ўрганиб, асар-

ларида таъбиқ этган. Республикамиз ва хорижий давлатларда бир неча бор шахсий кўргазмалари бўлиб ўтган рассом асарлари Франция, Канада, Хитой, Англия, Германия, Туркия каби йигирмага яқин мамлакат галерейлари, шахсий тўпламлари ҳамда Ўзбекистон музейлари, картиналар галереясида сақланади.



Бадний академиянинг Марказий кўргазмалар залидаги ташкил этилган экспозиция Ўзбекистон халқ устаси, ёғоч ўймаkori Сирожиддин Раҳматуллаев ва Ўзбекистон халқ устаси, заргар Фасихитдин Дадамухаммедов таваллудининг етмиш йиллигига бағишланди.

Сирожиддин Раҳматуллаев Ўзбекистон халқ устаси Ортик Файзуллаевнинг муносиб шогирдларидан бўлиб, Ўзбекистоннинг барча йирик меъморий лойиҳаларида – Темирийлар тарихи давлат музейининг, Ўзбек миллий академик драма театри биносидаги ўйма эшиклари ва кўплаб объектлардаги асарларида ўзига хос маҳоратини намоён этган ҳолда, ёғоч ўймакорлиги аъёнларини муносиб давом эттирмоқда.

Ушбу кўргазмада устанинг энг яхши ижод намуналари сифатида ўзи авайлаб сақлаб келаётган сара асарлари – айвон,

ширма, устунлар, лаганлар, лавҳлар ва кустилар намоён этилмоқда. Унинг турли ўлчамдаги лавҳлари исломий нақшлар билан безатилиши, ўлчовининг аниқ ва пухталиги билан барча томошабинлар эътиборини тортиди. Уста ўнлаб шогирдларига хунарини ўргатиб, соҳанинг бардавомлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб келмоқда.

Фасихитдин Дадамухамедов – ўзбек заргарлик тарихининг билимдони, шакллар яратишда янги тамойилларга таяниб, ранг-баранг тажрибалар ўтказишдан чарчамайдиган уста. Мазкур кўргазмада бўйин тақинчоқлари, зирақлар, билакузуклар ва бошқа заргарлик буюмларида мумтоз заргарлик мактаби аъёнларини кўриш мумкин.

Кўргазмада заргар Фасихитдин Дадамухамедов ва ёғоч ўймаkori Сирожиддин Раҳматуллаев миллий санъат ривожига қўшаётган ҳиссаси учун Ўзбекистон Бадний академиясининг дипломи билан тақдирланди.

Сарвара ҚОСИМОВА

Фотима МАМАЖОНОВА, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти магистранти

Жаҳон болалар адабиёти

САДАФДА ДУР НИХОН

Эдиг МАРКУШ
(Венгрия)Лекин менинг таърифим
Хаммасидан пухтарок!

ҚАРГАВОЙ ЧЎМИЛГАНДА

Қаргавой чўмилтирди
Митти қарга болани.
Кўзига совун кирди,
У бошлади нолани.Шунча ювди, кетмади,
Полапоннинг қораси.
Аслида қора эди,
Қаргавойнинг боласи!Фам ХО
(Вьетнам)

НОДОН ТОЙЧАЛАР

Борарди тош кўчада
Ота от мамнун,
Янги тақа туёқдан
Сочарди учқун.Буни кўриб тойчалар
Кўтарди қий-чув:
–Туёғингиз ёнмоқда,
Келтирайлик сув!Робер ДЕСНОС
(Франция)

ЧИГИРТКА

Чигирткадан сўрадим:
– Сенда тиним борми ҳеч?
Мудом сакраб юрасан,
Майсазорда эрта-кеч?Чигиртка деди:
– Билсанг,
Сакрашда бордир унум.
Қанчалик кўп сакрасам,
Шунча тез ўтар куним!Роберт ГРЕЙВЗ
(Англия)

ҲЕЧ НАРСА

Ҳеч нарса – бу ҳеч нарса,
Ҳалқа тутун тешиги.
Яланг, рангсиз деворда
Ҳатто йўқдир эшиги.Ҳеч нарса – тушунарсиз,
Уни бўлмади тутиб.
Ҳеч нарса бўлмаганда,
Ўтирма яна кутиб.Олимлар овутади:
– Ҳеч нарса – бу йўқ нарса!
Йўқ нарсдан умид йўқ,
Оч нарса-ю, тўқ нарса.Тўғри, олимлар оқил,
Сўзламайди тумтарок.Альфредо ВАЛЛИНИ
(Аргентина)

ОЛТИН БАЛИҚЧА

Биллур жомда паришон,
Сузар олтин балиқча.
Бефарқ боқар, иши йўқ,
Дунё билан тарикча.
Мовий осмон, зилол сой,
Зийнатли куз, қумуш ой,
Унутган ҳаммасини,
Чирилдоқ нағмасини.
Мажнунтоллар ўқинар,
Чирилдоқлар хўрсинар.
Биллур жомда балиқча,
Тинмай айланар гирён.
Ўз эркидан айирган
Биллур жомдаги зиндон.Китаҳара ХАКУСИО
(Япония)

ҚИРМИЗИ ҚУШЧА

– Қушча,
Нима гап ўзи,
Нега рангинг қирмизи?
– Қизил мевалар едим.– Қушча,
Қушча, айт ўрток,
Нега бунча рангинг оқ?
– Тутхўрлик қилган эдим.– Қушча,
Патларинг мовий,
Нега рангинг самовий?
– Осмонни чўкиб едим!Овсей ДРИЗ
(Исроил)

НИМА, ҚАЕРДА?

Дарахлар илдизи
Тупроқда пинхон.
Учқунлар оташи
Гулханда аён.Мевалар мағзида
Эман баёти,
Тухумда пинхондир
Бир қуш ҳаёти.Садафда дур ниҳон,
Анҳорда балиқ,
Нодонлик ҳамиша
Кўринар аниқ!Рус тилидан
Нуруллоҳ ОСТОН
таржималари.

Раҳим Шайдо ўзига ишонган бош муҳаррирлардек савлат билан жойига ўтирди-да, олтин узукли бармоғи билан чақирув кўнғирогини босди. Эшикдан мўралаган котибага қарамай, буюрди:

– Шоирани чақир...
“Шоира” – гугурт чўпидек ингичка қиз адабиёт бўлимида ходима бўлиб ишлар, “ака”лардан бири “Қараб кўясиз, кўнгли тоза киз”, деган эди, уни аниқ топшириқ билан синамоқчи бўлди.

– Сезиб юрибман, сизни анча
ҲАКИМ САТТОРИЙ

ЖОНЛИ
УЧРАШУВ

кисиб кўйишган, – тағдор гап бошлади Шайдо. Бу илтифотдан ходима анграйиб қолди, “Рост гапираяпсизми?” деган-дек тикилди ва бўлиқ юзга

Хангома

– Энди, – деди таъкидлаб Шайдо, – тез буларни топинг-да, гаплашинг. Кейинги сонга суҳбатларнинг биринчиси тайёр бўлсин.

Шончдан қанот боғлаган Шоира парвоз қилгандек учиб чиқди-да, бирдан вазираликдаги “криша”сига телефон қилди.

– Ажазон, ўзим йўқламасам, бир бора назар қилмайсиз ҳам. – Унинг оғзи тўла кулги эди. Нариги томондан ширин мужда келди чоғи, янаям эшилиб давом этди. – Ёзувчиларнинг телефони керак эди.

Бу иш ҳам осон битди. Энди Шоирахон ўтириб олиб, телефонда излашни бошлади. Дастлаб таникли танкидчининг номерини терди. Гўшакни аёл киши олди.

– Алло, мен газетаданман, домла керак эдилар.

Нариги томон жимиб қолди, бир нафасдан кейин аёлнинг йиғиси эшитилди. Шоира ҳайрон эди. Телефондаги суҳбат-дош ўзини босиб олди чоғи, хиқиллаб, паст овозда деди:

– Ўзимиз ҳам ишонганимиз

сонда битта кизикарли суҳбат тайёрлайсиз. Бўладими? Кимларни суҳбатга тортиш кераклигини белгилаб бераман, сиз бир рўйхат тузинг.

Шундан кейин Шоира даврон бутун иктидорини ишга солиб, “олтин рўйхат” тузишга киришди, “Нима бўлса ҳам баъзи фамилияларни ўқиб, афтларни бужмаймасин-да”, истихоло киларди у. Рўйхат тайёр бўлганда, эшилиб, сузилиб, бошлиқнинг хузурига йўл олди. Бу сафар анча очилиб гаплашдилар. Шайдонинг кайфияти яхши экани, ҳазиллашиб, кулиб, юмушни бажардилар. У рўйхат-

йўқ, одамлар ҳамон телефон қилишди.

– Нима бўлган, тинчликми? – дея олди ходима.

– Эшитмаганизми? Олти ой бўлди-ку бандалик қилганларига.

Гўшакни кўйди-да, “Кимларни белгилаб берган бу?” дея энсаси котди.

Барибир топшириқни бажариш керак, иккинчи фамилия тўғрисидаги рақамни терди. Бу киши машҳур ёзувчи, бунинг устига ўғли катта вазифада эди. У томондан ёш йигитнинг овози эшитилди. Шоирахон халққа таниш ёзувчи тахаллусини айтди-да:

– Шу кишини чақириб кўйинг, – деди.

– Кетганлар, – бироз тўхталишдан кейин шундай жавоб келди гўшакдан.

– Қачон келадилар?
– Келмайдилар, – оғир нафас олди йигит.

Кимдир телефондаги суҳбатга кизикиб қолди чамаси, боланинг ким биландир гаплашгани эшитиларди. Ходима тайинли жавоб олиш умидида кутиб турди. Гўшакни бошқа биров олди. Ўрта ёш аёлнинг овози келди:

– Кимсилар?
– Газетадан.

– У ёқ-бу ёққа қарамайсиларми? Адамизанинг вафот этганларига етти йил бўлди-ку, – гўшакнинг “тақ” этиб кўйилгани эшитилди.

Ишнинг бундай тус олишини кутмаган Шоирахон довдираб қолди. “Қолганларнинг ҳаммаси ҳам ўлиб кетган бўлса-чи” дея мулоҳаза қилди. Маслаҳатлашишга бирор маънироқ одам ҳам йўқ. Яна бошлиқнинг хузурига йўл олди.

– Суҳбатлашингизми? – сўради бошлиқ очик чеҳра билан.

Жавоб қисқа бўлди:
– Йўқ, улар мен билан суҳбатлашмас экан, сиз билан суҳбатлашар экан...

Гул кўп, чаман кўп...



Жорж Гордон Байрон (1788 – 1824) XIX асрда Европада пайдо бўлган янги ижодий оқимга асос солган инглизларнинг романтик шоири. “Лорд Байрон ҳақида жуда кўп гаплар тарқагани, уларнинг ростини ёлғондан ажратиб олиш жуда мушкул.

МЕРОС ИЛИНЖИДА

Шоирнинг тўлиқ исм-шарифи Жорж Гордон Нозл Байрон, аммо у ҳеч қачон бундай тўлиқ имзо кўймаган. “Лорд Байрон”дан бошлаб “Нозл Байрон”гача турли шакллардан фойдаланган, холос.

Бу қадар мураккаб исм-шариф мерос улашиш ёки олиш илинжидаги қариндошлар кўплигидан юзага келган. “Гордон” – шоир онасининг қизлик шарифи – бунинг шоирнинг отаси шотландиялик қайнонасиндан қоладиган меросдан умидвор бўлиб ўғлининг исмига боғлаган, “Нозл” шарифи эса, шоирнинг хотинига тегишлидир, шу боис Байронга қайнонасиндан яхшигина мерос теккан.

ОРОМ ЛАҲЗАЛАРИ

Байроннинг биринчи “Ором лаҳзалари” шеърлар тўплами ва бу китобга қарши қашатқич зарба берган такриз “Эдинбург шарҳи” саҳифаларида эълон қилинганча ордан бир йил ўтади. Бу орада, яъни танкидчилар ўйлаб ўйларига етгунча, шоир 214 саҳифа роман, дoston, 380та шеър, 660 сатр “Босворт даласи” асари ҳамда кўплаб кичик шеърлар ёзган эди.

“Эдинбург шарҳи”даги танкиддан сўнг шоир зудлик билан “Инглиз шоирлар ва шотланд танкидчилар” номли сатирик дoston ёзиб, танкидчиларга зарба берган.

ЧАЙЛЬД ГАРОЛЬД ЗИЁРАТИ

1812 йили матбуотда “Чайльд Гарольд зиёрати”нинг илк қўшиқлари пайдо бўлади. Дostonнинг лирик қаҳрамони – ёш йигит, турли кўнглихушлиқлардан безиб, ўзга юртларда саргузашт излаб кезади.

Ўта амалиётчи бўлган ўқувчилар қаҳрамоннинг бетартиб ҳаёт тарзига эътибор қаратадилар ва оқибатда Байрон ҳақида турли миш-мишлар тарқалди. Шоирнинг яқин дўсти Томас Мур уни химоя қилиб чиқади, яъни Байроннинг ўша вақтдаги моддий аҳволи хорижда ортикча дабдабазлик қилишига йўл кўймайлиги ҳақида ёзади.

ШОИРНИНГ ЎЙЛАНИШИ

Айтишларича, Байрон пуритан эмас, унинг маҳбубалари орасида қибор онлалардан кўплаб аёллар бўлган. 1812 йили хориж саҳатидан қайтган шоир Анна Изабелла Милбенка оғиз солади. Қиз уни рад этади, аммо ордан икки йил ўтгач, рози бўлади ва ёшлар турмуш куради. Узок давом этмаган бу оилада Ада исмли қиз туғилади. Оила бузилишида барча масъулиятни Байрон хоним ўз зиммасига олади, аммо ажралишдан олдин шифокорлар билан эрининг феъл-атвори, психологик соғломлиги борасида маслаҳатлашади ва умрининг охиригача унинг руҳан тинчлигини Худодан сўраб ўтади.

БАЙРОН ВА ЮНОНИСТОН

Шоир “Чайльд-Гарольд зиёрати”да Юнонистоннинг сўнган шукухи ҳақида ёзади. Мамлакатда озолик учун кураш авж олганда эса, шоир ўз ҳисобидан бир инглиз кемаси ва қурул-яроқ сотиб олиб, ярим минг аскарни қурулантиради ва озолик учун бораётган жангларга қўшилиди. Байрон ушбу курашда нафақат моддий ёрдам кўрсатади, балки икки душман тарафларни муросаса келтиришга ҳам эришади.

БАЙРОННИНГ ҚИЗИ

Байроннинг қизи Ада дунёдаги биринчи дастурчи ҳисобланади. Албатта, XIX асрда дастурлаш, айниқса, қиз боланинг бу касбини эгаллагани ҳақида гапириш муқомаб мантиқсиз туюлиши мумкин. Аммо Августа Ада Кинг — графиня Лавлейс математика фани билымдони сифатида Чарльз Бэббиджинг ҳисоблаш машинаси учун биринчи махсус дастурни ишлаб чиққан. Бола тарбияси ва турмуш ташвишлари ҳам унинг фан билан астойдил шугулланишига тўсиқ бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги ҳамда

“Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили муносабати билан

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги долзарб мавзудаги замонавий драматик,

муסיқали драма ва кўғирчоқ пьесалари танловини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга тақдим қилинадиган долзарб мавзулардаги замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ пьесалари кўйидаги йўналиш ва мавзуларда:

- аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этувчи бадиий-ғоявий етуқ;
- факултода ҳолатларда инсонийлик жасорати ва фидойилик намуналарини кўрсатган замонамиз қаҳрамонлари;
- олимлар, ҳарбийлар, ички ишлар, санъаткорлар, шифокорлар, ўқитувчилар, спортчилар, қурувчилар, ёш ихтирочилар;
- саховатпеша тадбиркорлар, фермерлар, дехконлар, чўпонлар;
- диний экстремизм, одам савдоси, миграция, ОИТС;
- бугунги кун муаммолари ва ютуқлари, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, давримизнинг илғор аёллари ҳаёти акс этган, миллатлараро бағрикенглик, ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром

туйғуларини шакллантириш, соғлом-турмуш тарзини тарғиб қилиш, она ватанини кенг ўрганишга ва сайёҳларни жалб қилишга йўналтирилган, инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассам этган, ёшларга ибрат бўладиган замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти акс этган ҳамда долзарб мавзулардаги замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ пьесалари бўлиши зарур.

Асарлар Маданият ва туризм вазирлигига ариза орқали тақдим этилади.

Тақдим этиладиган асар ўзбек тилида, 2 нусхада (электрон вариант билан), компьютерда А4 форматда, 1,5 интервал, 14 шрифтда кўчирилган бўлиб, замонавий драматик, муסיқали драмалар 30-35 саҳифадан, кўғирчоқ пьесалар эса 15 саҳифадан кам бўлмаслиги зарур. Танловда ёшдан қатъий назар, барча ижодкорлар драматургиянинг замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ пьесалар билан иштирок этиши мумкин.

Асар белгиланган тартибда юборилмаса, муросалар кўриб чиқилмайди.

Тақдим қилинган асарлар муаллифларга қайтарилмайди.

Барча асарлар нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Танлов ғолиблари долзарб мавзулардаги 3та йўналиш (замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ пьесалари) бўйича муқофотланади:

Танловга ижодий ишлар 2023 йилнинг 1 сентябрга қадар қабул қилинади ва баҳолаш комиссияси томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, ғолиблар эълон қилинади.

Асарлар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги Репертуар сиёсати бўлимига юборилади.

Ташкилий қўмита: Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги Репертуар сиёсати бўлими
Тел.: 55 502-33-77 (ички рақам – 650, 651)

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шох кўчаси, 107Б-уй.

O'ZBEKISTON
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта манзили:
uzas.gzt@mail.ru

Муассис:

ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИБош
муҳаррир
ХУМОЮН
АҚБАРОВ

Тахриратга келган кўғизмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адаби - 1096. Буюртма Г - 538.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ”
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2181-614X

